

53.4  
У-52

Рустамжон УММАТОВ



**ВИДО  
МАНЗИЛИ**

Рустамжон УММАТОВ

# ВИДО МАНЗИЛИ

(Эссе)

Ўзбекистон  
Давлат 263483  
Университетининг  
Ғолибий кутубхонаси

«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA»

очиқ акциядорлик жамияти

2005

Уматов Р.

**Видо манзили** (Эссе) - Андижон, «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ,  
2005. 60 бет.

Андижон вилоятининг

З. М. Бобур номли кутубхонаси

84 (5 Уз)

У - 47

© «Andijon nashriyot-matbaa»  
ОАЖ, 2005

## **Муаллифдан**

Мозий - аждодлар замони, бугуннинг барҳаёт волидаси. Узининг шавкатли тарихи билан фахрланмоқ кўхна дунёнинг анчайин халқларига насиб этган эмас. Бу борада ўзбек деган қадим элнинг улуғлиги шуки, шону шавкатли ота-боболари, шарифа момолари билан қиёматгача ифтихор қилишга минг-минг карра ҳақлидир.

Чустнинг ўтмиши ҳам шу Ватаннинг буюк тарихини исботловчи юзлаб, минглаб нақд далиллардан бири, албатта. Археологик топилмалар шаҳар ва туман ҳудудида ҳатто 3,5-4 минг йил бурунлари ҳам деҳқончилик ва ҳунармандчилик юксак даражада тараққий топганидан шаҳодат беради.

Тошқўргон қишлоғидаги Хожа Абдурахмон ибн Авф зиёратгоҳи, бу табаррук зот ҳақидаги ривоятлар ана шу катта тарихдан бир парча десак, тўғри бўлади. Ушбу шахсга бевосита ё билвосита дахлдор асарлар ва оғзаки ҳикоялар асосида Хожа Абдурахмон ибн Авф воқеоти қўлингиздаги китоб ҳолига келтирилди. У ҳурматли ўқувчининг руҳий покланиш, маънавий юксалиш йўлидаги интилишларига озгина бўлса-да наф етказа олса эди, деган умид бор каминада.

## Биринчи бўлим

*Қиссада ёзилишича, Хожа Абдурахмон ибн Авф каромат қилиб «Қабрим бошидан то азон овози етадиган жойгача 70 минг чашма қайнаб, суви тўрт тегирмоннинг тошини юргизади» деган эканлар.*

*Домла Ҳалим бува.*

## ИБТИДО

Сафед Булонга баҳор келди, Наврўз чечаклари анҳорлар лабига зумрад бўёғини тортиб, Арча ва Саноч тоғлари пойига қирмиз тусли гилам ёйди. Кўклам эпкин-ида мавжланган бағри қон лозазорда бир ҳазинлик кезади...

Одина куни эди. Муаззин мўминларни жума намози-га чорлайди:

- Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар...

Саҳобалару тобеъинлардан<sup>1</sup> иборат мусулмонлар Қирғин Масжид (бу номни ушбу масжид кейинроқ олган) саҳнига сафландилар. Шоҳ Жарир ҳам, у кишининг ортида намози жумани адо этувчи барча мусулмонлар ҳам хиёнатдан огоҳ эдилар. Лекин улар:

---

<sup>1</sup> Саҳобалар - Муҳаммад алайҳиссаломнинг суҳбатида бўлган кишилар, тобеъинлар - саҳобаларнинг суҳбатида бўлганлар. Аммо Қирғин Масжиддаги шаҳидлар чиндан ҳам саҳоба ва тобеъин эдиларми? Бу баҳсли масала...

- Жон йўлида Аллоҳнинг фарзини тарк этиш йўқ,- деган қатъий қарорга келишганди. Фақат Шоҳ Жарир раҳнамолигида маслаҳатлашгандиларки, имоматга Укрима ўтиб, Қуръондан қисқароқ сурани тиловат қилади.

Корвон Бас ва Ихшит бошлиқ муғларнинг қулоғига тушгандики, ислом лашкарининг баданига тиф таъсир қилмайди. Муслмонлар намоз чоғида ҳузури дил билан мумдай эриб ўтирадиларки, шу пайтда тиф билан ҳалок қилмоқ осонроқ. Хунрезликнинг айна жума намози чоғига режалангани ҳам шунинг учун эди.



Машойихлар айтибдиларки, "тақдирга тадбир кор келмайди". Ўша фожианинг Қирғин Масжиддаги шаҳидлар пешонасига битилгани яна шунчаликки, имоматдаги Укриманинг ҳам хаёли қочди. Оқибат келишувдаги ваъдани фаромуш қилди ва қисқа сура қолиб, 37 оятли "Инна Фатаҳно"нинг қироатини бошлаб юборди.

*Қилиб эрди ярмини қироат,  
Чиқиб фарёди гавғойи қиёмат.  
Кириб келдилар анда тўрт тарафдин,  
Буларнинг қатлига муғони бедин.  
Қиёмда эрди барча лашкари шоҳ,*

*Қилич остига олди қавми гумроҳ.  
... Намоздин булар айрилмадилар,  
Ушал муғлар сори қайрилмадилар.*

«Сафед Булон қиссаси»<sup>\*</sup> дан

Масжид саҳни мўминлар хунига бўялди, қон ариқ бўлиб оқаверди. Душман тўрт эшикни беркитиб, орқадаги сафлардан қатл этиб келмоқда эдики, чиқмоқ учун йўл қолмаган.

*Имом (Шоҳ Жарир)меҳробга қилдилар ишорат-  
Ёрилди икки тенг, топти башорат.  
Ки андин чиқдилар бу жумла асҳоб,  
Тириклар қутулдилар ба ҳар боб.*

«Сафед Булон қиссаси»дан

Масжид ташқарисида омонсиз жанг бошланди, лекин ёвнинг сони кўп, қўли баланд эди. Мўминларга чекинмоқдан ўзга илож қолмади, Пайғамбар алайҳиссаломнинг табаррук туғлари - яшил байроқ хавф остида. Ун еридан жароҳатланган Хожа Аламдор<sup>2</sup> қўлидаги Ҳазрати Муҳаммад Мустафо туғини<sup>3</sup> зўрға ушлаб турарди. У зот ёнгинасидаги ўғлининг даъвати билан байроқни осмонга отди<sup>4</sup>.

Шоҳ Жарир пароканда бўлган лашкари билан Косонсойдан паноҳ топиш умидида эди. Лекин косонсойликлар шаҳарга киришга изн бермадилар. Ададсиз муғлар таъқиби давом этардики, уларнинг Аҳсида туриши ҳам хатардан холи эмасди. Аниқ эдики, Мадинага йўл солмоқдан ўзга чора йўқ. Ривоятга кўра, чор тарафга паришон тарқалган қуролдошларини

---

\* Шоҳ Ҳаким Холис. «Сафед Булон қиссаси» Т., Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994 й.

<sup>2</sup> Аламдор - байроқбардор.

<sup>3</sup> Туғ(алам) - байроқ.

<sup>4</sup> Ривоятга кўра, ўша байроқ Сафед Булон осмонида қирқ йил муаллақ турди ва 2700 шахид жисмига соябон бўлди. Дейдиларки, у ҳозир ҳам покиза кишиларга гоҳо кўриниб қолади.

Тўдада<sup>5</sup> кутадиған бўлиб йўлга равона бўлдилар. Саноч тоғида 400 суворий қолғандики, улар ҳам етиб олмоғи лозим. Бироқ Тўдага етиш ва Шоҳ Жарир раҳнамолигида Ватанга қайтиш кўпларга муяссар бўлмади.

“Мавлоно Лутфуллоҳ маноқибн”да ёзилишича, Сафед Булондан чекинганлардан бир нечалари ҳатто Чодак (Поп тумани) да ҳам дафн этилган экан.

## Ҳазрат Хожа

Сафед Булонда 2700 киши шаҳид кетди. Омон қолганларни ҳам ҳаёт кўп синовларга, укубатларга гирифтор қилди.

Ўша қирғинда сафдошларидан ажраб қолган Абдурахмон ибн Авф тусмол билан кунботарга қараб йўл олди. Ўшал дамда у шаҳид диндошлари билан қўлга киритилган зафарларни, Қубода Хушдодни, Ахсида Хурмузни мағлуб этганларини ўйлаган бўлса ажабмас. Чиндовулда<sup>6</sup> тўхтаганларида Шоҳ Жарир номидан Косонсой ҳокими Ихшитга элчи бўлиб боргани, муғнинг юрагига ҳадик ва қўрқув солгани эса асло ёдидан чиқмайди. Шундоқки, Шоҳ Жарир буюрганди:

- Икки далер<sup>7</sup> кишини топиб, Ихшитга нома юборинглар, борадиган элчиларимиз сўзи бутун, мардона кишилар бўлсинлар.

*Ўшал дам Аслам қилди қаддини рост,  
Яна ул Абдурахмон турди бехост.  
Иккови айдилар: Эй шоҳи хушхў,  
Камина қулларинг борса бўлурму?  
Суюниб айди Ҳазрат: борингизлар,  
Худо бўлсин сизларни ёрингизлар!  
Алар қуллуқ қилиб отландилар боз,  
Туруб Косон сорига қилдилар парвоз.*

«Сафед Булон қиссаси»дан

<sup>5</sup> Тўда - Поп туманидаги қишлоқ. Унинг номланиши ҳам ўша тўдаланиш, тўпланишдан чиққанмиш.

<sup>6</sup> Чиндовул - Косонсойдаги қишлоқ.

<sup>7</sup> Далер - дадил, қўрқмас.



... Энди у музаффар лашкарнинг офтоби ботган, зафарли кунлар ёди Хожа Абдурахмонни аччиқ-аччиқ йиғлатарди.

Танҳо ўзи мусофир элда саргашта Абдурахмон Чуст навоҳийсига етди, Карнон сойини кечиб, кенг далага чиқди. Ўшанда ҳамал ойи бўлиб, ернинг тафти баландлаган, ҳамма эсмоқ-тикмоқ тадоригида. Пайкалнинг ўртасида бир деҳқон ёлғиз хўкиз билан қўш ҳайдаб, ҳосил умидида кўклам қўшиғини хиргойи қилиб борарди. Хожа Абдурахмон салом-алик ва ҳорма-бор бўлдан сўнг арзи ҳол қилди:

- Эй болам, мен йўл излаган бир мусофир банда. Неча кунлардирки, оғзимга туз атаганим йўқдир. Мана шу узукни олинг-да, бирор егулик келтириб берсангиз.



Ҳалиги узук асл олтиндан бўлиб, оғирлиги етти мисқол<sup>8</sup> экан.

- Хуш келибсиз, эй бобо, сафарингиз беҳатар бўлсин.- дейди қўшчи.- Аммо мен фақир, эрки йўқ бир қулдирманким, на бормоқда ва на келмоқда ихтиёрим ўзимдамас. Гарданимдаги вазифа кўп оғир, кун чиққандан кун ботгунга қадар белгиланган юмушни адо этмасам, ғазабга ва жазога гирифтор бўламан. Гарчанд

<sup>8</sup> Мисқол - 4,250 граммга баробар оғирлик ўлчови.

Сизга раҳмим юзасидан қишлоққа ҳам кетарман, локигин хўкиз тўхтаб қолади-да.

- Тўхтатмайман,- дейди Хожа Абдурахмон ибн Авф.  
– Ишингизни мен давом қилдираман...

Ривоятга қараганда, нонни олган деҳқон эвазига узукни узатса, новвой ҳайрат бармоғини тишлаб, тонг қолади. Тарозига қўйиб кўрса, бир жуфт нон жимитдай узукдан енгил келаверади<sup>9</sup> ...

Даласига қайтган деҳқон новвойдан ортиқроқ ҳайратга чўмади. Бориш-келишига кетган бирозгина фурсатда мусофир одам қилиб қўйган иш унинг бир кунлик меҳнатидан-да унумлироқ бўлганди<sup>10</sup>. Қўшчи англадики, рўбарўсидаги ўткинчи оддий одам эмас, у ғайритабиий хислатлар соҳиби. Нонни берган деҳқон ёлворибдики:

- Эй фазилатли бобо, бир дуо қилсангизки, камина куллик занжиридан озод бўлай, қашшоқликдан қутулайин. Ишларим кушойиш топиб, нафақайи рўзғоримга барака кирсин.

Хожа Абдурахмон ибн Авф нон учун ташаккурлар айтиб, сидқидил билан уни дуо қилди<sup>11</sup>. Сўнг суви қуриган сойнинг (Фовасой) ўзани бўйлаб қуйи тарафга равона бўлди. Икки чақиримча юргач, анҳорнинг (Куван ариқ) ўнг соҳили у кишига бежавотир кўринди. Теварак-атроф сокин эдики, ёв йўқлигига ишонч ҳосил қилган Хожа нонни тановул қилмоқ учун утирди.

Аммо ўша лаҳзадаги сукунат алдамчи бўлиб чиқди. Қирлар бошида Корвон ва Ихшит бошлиқ муф суворийлари кўринди. Ихшит ўз саройига Шоҳ Жарирдан нома олиб борган элчибекни дарров таниди ва интиқом ўтида ёнди. Ахир элчиларнинг ўша кунги даъватлари ҳамон қулоқлари остида жаранглаб турибди,

---

<sup>9</sup> Новвой бунчалик қимматбаҳо узукни олишга ботинмай, нонни бекорга берганди, деган гап ҳам бор.

<sup>10</sup> Ривоятнинг бир вариантыда айтилишича, ҳатто омоч судраган хўкиз ўзи бориб, ўзи қайтиб ер ҳайдаётганмиш.

<sup>11</sup> Ҳозир ҳам карнонликлар уддабурро сулолалардан бир нечаси ҳақида «булар Абдурахмон буванинг дуосини олган ўша деҳқоннинг авлодлари» деб гапириб юришади.

мусулмонлар шавкати олдида ўзининг титраб қолгани ҳам ёдидан чиқмаган, албатта.

*Мусулмон бўл, яна давлат кўрарсан,  
Тақи динлик бўлуб даврон сурарсан.  
Йўқ эрса кўрарсан биздин ёмонлик,  
Санга йўқдур, деди ҳаргиз омонлик.  
Бошдан олди нома Абдурахмон,  
Ани Аслам қўлига олди альён.  
Дедилар: Санга бермак лозим эрмас,  
Наҳс, кофир қўлига берса бўлмас.  
Ўқуди номани ул шоҳи Аслам,  
Баён қилди сўзини анда ул дам.  
Битибдур нома ичра Абдурахмон,  
Саросар амру наҳйу ҳамди Субҳон.*

«Сафед Булон қиссаси»дан

Ёв қўшини зоти шариф устига от солди. Шу дамда Хожа Абдурахмон ибн Авфга осмон узоқ, ер қаттиқ эди. Ва лекин Раҳмонун Раҳим сифатли Аллоҳ ёлғизнинг ёри эмасми? Таваккулни Худога қилган Ҳазрат Хожа кафтидаги нон ушоқларини атрофга сочаркан, тилади:

- Муҳаммад Мустафонинг шафоатлари ҳаққи, Қирғин Масжиддаги шуҳадонинг<sup>12</sup> руҳи поклари ҳаққи Ўзинг амният бер, Парвардигоро.

Аллоҳнинг амри билан Куван ариқнинг ўнг соҳилидаги сайхонлик лаҳзада ўтиб бўлмас чангалзорга айланди. Нон увоқ тушган ҳар бир нуқтадан ҳайбатли чилонжийда униб чиқди. Тикони пўлатдай пухта, тиғи ханжардай ўткир чилонзор Ҳазрат Хожа теварагида гўё темир қўрғон эди.

- Ҳозиргина шатта эди,- дея потирларди бу синоатдан эсини йўқотаёзган беадад душман. – Кетмаган, кетолмаган, шатта, машатта<sup>13</sup>...

<sup>12</sup> Шуҳадо-"шаҳид" сўзининг кўпликдаги шакли, яъни шаҳидлар.

<sup>13</sup> "Машатта" деган сўз сабаб қишлоқ Машҳад деб аталган эмиш. "Машҳад" арабча бўлиб, мўмин киши шаҳид қилинган жой ёки шаҳид дафн этилган макон маъносини англатади.

Ихшит ҳам саросимада эди.

- Туқайга кир ҳамманг, тезроқ топ! – бақирди у.



Гаранг ҳолдаги минг-минг муғ ўзини тиконзорга уриб тутдай тукилди<sup>14</sup>, аммо бирортаси Аллоҳ паноҳига олган зотнинг ҳузурига ўтолмади. Душман галасининг сафлари сийраклашиб кетди, уларга қарши майдондорлик қилувчи эса биттагина одам. Корвон ва Ихшитнинг тоқати қолмади, ғазабдан туютиб буюрди:

- Отинг, сўнги ўқ қолгунча отинг!

Чангалзор ўртасидаги Хожа Абдурахмон ибн Авф бошига пайкон ёмғир мисоли ёғаверди, узоқ ва кўп ёғди. Алқисса, Ҳазрат Хожа 72 жойидан заҳмдор бўлиб, аҳволи танг эди. У кишига тагин Яратганнинг ўзи иноят қилмаса, бандасидан нажот йўқ...

---

<sup>14</sup> Ривоятда айтилишича, Чилонзордаги тикон заҳмидан 70 минг муғ ҳалок бўлган.

# Қизлар буви

Ровий сўзида давом этадики, Уйғур<sup>15</sup> мубоширининг гўзал қизи бор эди. Унинг кўнгли Аллоҳнинг иродаси билан имонга келиб, исломни ғойибона қабул қилганди. Сўнграқ у ота-онасини ҳам ҳақ йўлига даъват эта бошлади.

- Ўз динимиз бор-ку? – ҳайрон бўлди ота.

- Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг Расулидирлар,- уқтирди қиз. – Динлар ичида энг афзали исломдир фақат.

Ота бу гапни ўртага солиб, жамоатдан маслаҳат сўради. Янгилик аксариятнинг қаҳрига сабаб бўлди.

- Ҳали бизнинг динимизни инкор этадиганлар пайдо бўлдими?- титраб-қақшади маҳаллий руҳоний.

- Бундай бадбахтга орамизда ўрин йўқ! - қичқирди кимдир.

- Уни кишанбанд қилиб, зиндонда чиритиш керак!-луқма солди қишлоқ оқсоқоли.

Жоҳиллар ниятига етди. Қиз бечоранинг оёқ-кўлига кишан уриб, қора тошга боғладилар, эшикларга қулф солинди<sup>16</sup>. Қийноқлар шўрликнинг жонидан ўтди. Парвардигорга нола қилиб шундай йиғлар эдики, унинг оҳидан наинки еру кўк, ҳатто Арши Аъло ларзага келди. Шунда Аллоҳ айтарканки:

- Не учун титрайсанлар?

- Ё Қодир Худо, негаям титрамайлик! Ахир, бир бандайи бечоранг имонсизлар кўлида шунчалар азоб чекмоқдаки, унинг нолаю зорига бардош қилмоғимизга ҳеч илож йўқ.

Ана ундан сўнг раҳмдил Аллоҳнинг инояти ва Пайғамбаримизнинг шафоатлари билан қиз ёруғликка чиқади. Гуллар очилган, булбуллар сайраган сулув бир фасл эдики, бокира, мўмина қизга олам яна ҳам гўзал

<sup>15</sup> Уйғур - Поп туманидаги қишлоқ.

<sup>16</sup> Шунда Чилон воқеасига 20 кун қолган эди, деб ривоят қиладилар.

кўринди. Унга юрар йўли, борар манзили хусусида ҳам башорат бўлганди.

Уйғурдан чиққан қиз Қора юлғундан (ҳозирги Поп кўпригининг юқорисида) сойнинг ўзани бўйлаб юқорига қараб юраверди. Кун чиқиш томондаги кичик чашмада (бу ҳам аввалдан башорат бўлганди) тўхтаб таҳорат олди ва Сарвари оламнинг руҳларига бағишлаб икки ракаат нафл намози ўқиди.

Ҳеч бир ривоятда исми айтилмаган ўша мўмина қиз Қизлар буви бўлиб тарихга кирди. У етиб келгач, тиконзор чекиниб, йўл берди. Қизлар буви Хожа Абдурахмон ибн Авфга тавозе билан салом берди ва ўзининг шарҳи ҳолини деди:

- Сизнинг хизматингизга келиб турибман, тақсир. Неки юмушингиз бўлса, буюринг, бошим устига.

Сўнги кунлардаги кўргулик, кулфат ва маҳрумиятлар силласини қуритган Хожа унинг ҳақиға дуо қилиб, ўтинди:

- Ҳолимни кўриб турибсизки, асло айтгулиги йўқ. Мени мана шу ариқ бўйлаб юқорига элтсангиз.

- Хўп,- деди Қизлар буви ва зоти шарифга кўмаклашди.



Ривоятга кўра ё ўликмас, ё тирикмас ҳолда 70 кун ётган Хожа Абдурахмон ибн Авфнинг жуссаси бир қуш

мисоли енгил эди. Қизлар буви бир манзилда<sup>17</sup> тўхтаб, Куван ариқнинг сўл ёқасида нафас ростлади. Тағин йўлга тушиб, маълум муддатдан сўнг икков толиқдилар ва яна дам олиш лозим бўлди. Шунда улар сойнинг соҳилига бориб қолишганди. Жарлик деворига суянган Ҳазрат Хожа деди:

- Эй ҳамшира, мен дуо қиламан, сиз "омин" деб туринг.

Қизлар буви кафтларини очди.

- Ё Аллоҳ, - нола қилди Ҳазрат пок кўнгил билан. - Етмиш кундирки, жароҳат ичра нопокман. Иноятинг бирла бир қақас<sup>18</sup> жой ила тоза сув ато этгилки, покланиб олайин.

Шунда Фовасойнинг сўл қирғоғидаги жарликда гор пайдо бўлиб, оғзига амри илоҳий билан парда ҳам тортилди. Хожа ичкари кириб, ҳузури дил билан ғул қилди, қотган жароҳатлари тўкилиб битди. У кишига шу дамда авлодлар қайғуси келиб, дуога қўл очди:

- Тўкилган мана шу қонлар охир замона одамлари учун бир ёдгорлик бўлиб қолсин.

Ярадор Хожага кўмаклашиб анчагина йўл босган Қизлар бувида ҳам покланиш эҳтиёжи бор эди. У ҳам горга кириб, ўзини ва либосларини покиза қилди.

Ижобат бўлган дуо туфайли икки азиздан қолган горда сунбул<sup>19</sup> отлиқ гиёҳ униб чиқди ва шу атрофга тарқади.

Горни тарк этгач, икковлари сойнинг ўнг соҳилига утдилар. Ўзан ортда қолиб, қияликка тирмашган чоғларида ташналик хуруж қилди. Хожа Абдурахмон ибн Авф қўлидаги асони ерга бир урганди, булоқ ҳосил бўлди. Яхна зилол шундай қайнар эдики, биқирлаб турган шавланинг ўзгинаси, бу чашма Шавла булоқ номини олди.

---

<sup>17</sup> Уша манзилни Машҳад қишлоғида ҳозир Ортиғмат деб атайдилар.

<sup>18</sup> Қақас - пана, холи маъносида.

<sup>19</sup> Сунбул - соч толасидек пояли, барги жуда нозик гиёҳ.

Кексалар ўқиган қиссада<sup>20</sup> ёзилишича, ўшанда Ҳазрат Хожа:

- Қабрим бошидан то азон овози етадиган жойгача 70 минг чашма қайнаб, суви тўрт тегирмоннинг тошини юргизади, - деб каромат қилган экан.

- Шу кетишда қаёққа борамиз, - сўради Қизлар буви.  
- Тошкесганга<sup>21</sup>.

Улар Ғовасойнинг ўнг соҳили бўйлаб оҳиста илгари боришарди. Ногаҳон орқадан от туёқлари овози эшитилиб, шовқин-сурон тобора яқинлашиб келаверди.

- Эй бобо, энди ҳолимиз кўп чатоқ бўлди,- деди Қизлар буви афсус чекиб. - Овозларидан танидим, отам бошлиқ одамлар изимизга тушибдилар.

Чиндан ҳам шундай эди. Уйғурда қизни кишанлаганлар бир замон кириб кўрсаларки, асирадан ному нишон йўқ. Дарғазаб отанинг ёнига ўғиллари, ини-оғалари қўшилишади. Айни топда улар қувлаб келмоқда эдилар.

Ҳазрат Хожа ва Қизлар буви ўзларининг чорасиз ҳолларини мушоҳада этгунча таъқибчилар ниҳоятда яқин келиб, "ҳой-ҳой" садолари қулоқлар остида эшитила бошлади.

- Водариг,- надомат билан бош чайқади ҳазрат.- Қалбимиз кўзлаган муддао бизга мушарраф бўлмас бўлди, дилхоҳ манзилимиз мангуликка йироқ тушди. Аллоҳнинг иродаи азалийси шулдирким, балосига сабр лозим, қазосига ризо керакдур. Эй шафиқа, сиз олға югуринг, холисанлиллоҳ хизматларингиз мукофотига мендан олдинда туринг, мақомингиз мендан баландроқ бўлсин. Замонеки бизни соғинувчилар келар бўлсалар, мендан аввал сиз муҳтарамани зиёрат қилибгина, кейин мен томон ўтсинлар. Кўрқмай бораверинг, қора тошлар

---

<sup>20</sup> Хожа Абдураҳмон ибн Авф воқеоти битилган ўша китоб кўп йиллар бурун йўқолган ва ҳануз топилмаяпти.

<sup>21</sup> Тошкесган – Ғовасой, Оғасарой томонлардаги тегирмон тош кесиладиган жойлар назарда тутилган бўлса керак.



уюлган<sup>22</sup> манзилда сизга омонлик бор, ўшал жойда тўхтанг-да, Кариму Раҳимдан паноҳ тиланг.

- Алвидо, бобо, - деган Қизлар буви айтилган тарафга чопар экан, икки кўзининг селоби тупроғи билқиллаган йўлни намлаб борар эди.

- Эй она Ер, - ўтинди қора тошлар ёнига етган мазлума. – Юз йил яшайинки, охир бир кун қучоғингга кирмоғим бор эди. Аллоҳнинг амри ила мана шул дамнинг ўзида мени ўз бағрингга ола қолгил.

Ривоятда келтирадиларки, ер ёрилди, тупроқ остидан бир меҳрибон қўл чиқди ва Қизлар бувини абадият маконигга авайлаб ола кетди.



Исёнкор заифани қўлдан чиқарган уйғурликларнинг алами дучандон бўлди. Уларнинг икки киши бошига қора кузгундай даҳшат солган ғазаби энди биргина Ҳазратнинг ширин жонига кўз тикди. Интиқомдан кўнгли сўқир кимсалар қуршовидаги у зотга ҳам жон ширин эди, бироқ Аллоҳ муҳаббати билан лиммо-лим кўнгилдаги

<sup>22</sup> Қора тош уюлган ғарамлар Тошқўрғондаги Абдурахмон ибн Авф қабристониди ҳозир ҳам бор.

имон ҳузури ундан-да тотлироқ. Фақат бир армонгина Ҳазрат Хожанинг дилини ўртарди:

- Эй Қодир Худо, ҳидоят йўлида бошдан кечарим бор, имондан кечарим йўқдир. Мен бир Ўзингни дедим, ўзгани деганим йўқ. Бу бандайи ожизнинг гуноҳи не эдики, жонимни бир бедин, беимон кимса олади?!

Ўлимга чоғланган Хожа Абдурахмон ибн Авфнинг оҳи Худога етди ва Аллоҳнинг иродаси билан у киши ёвлар кўзидан ғойиб бўлди.

Қизлар бувини қувлаб келганлар бир зумда икки бор доғда қолгандилар. Иттифоқо, тупроқ устидан бир парча қоғоз топиб олдилар. У Хожанинг васиқаси (ҳужжати)<sup>23</sup> эди. Қоғозни отларнинг оёқ остига ташлаб депсатиб юбордилар.

## Чоҳи мор<sup>24</sup>

Хожа Абдурахмон ибн Авф ғойиб бўлган жой Чоҳи мор – илонлар ўрдаси экан. Ровий айтадики, ер остида у зотни оғзидан олов пуркаган махлуқ қаршилайди. Ҳазрат Хожа сурайи “Ихлос” ни беш юз минг маротаба ўқиб, ўзига дам уради.

Жаброил алайҳиссалом келиб, нидо берадилар:

- Аё Хожа Абдурахмон, “Оятал курси”ни ўқинг.

Бузруквор “Оятал курси”ни такрор қилгач, теварагида темир қўрғон бунёдга келиб, бало-қазо даф бўлди. Дейдиларки, Ҳазрат Хожа Чоҳи мор тубида чиҳл сол<sup>25</sup> қолиб кетди. Қирқ йилдан сўнг у макондаги Шоҳи моронга<sup>26</sup> буюрилди:

---

<sup>23</sup> Айтишларича, ўша васиқа – ҳужжатга Хожа Абдурахмон ибн Авф ҳақидаги барча маълумотлар битилган экан. Тағин бир гап ҳам борки, шу қоғоз ҳалигача Шоҳи морон – илонлар шоҳининг оғзида сақланиб, вақти келганда Ер юзига чиқармиш.

<sup>24</sup> Чоҳи мор - илон тўла чуқур, илон ўрдаси.

<sup>25</sup> Чиҳл сол - қирқ йил.

<sup>26</sup> Шоҳи морон - илонлар шоҳи.

David  
University  
2634

- Эй Шоҳи морон, Хожа Абдурахмонни қуйруғинга ўтқизиб, ёруғ дунёга чиқаргин<sup>27</sup>.

Ривоятда борки, ёруғликка чиққан Ҳазрат Хожа Самарқандга йўл олди ва у ерда тож кийиб, 40 йил подшолик тахтида муқим бўлди.

Бу эшитилган гаплар, чин ҳақиқатни ҳамиша Ҳақнинг ўзи билади.

## Хожа Абдулқосим

Ровийдан қолган гап шуки, Қирғин Масжиддаги хунрезликдан сўнг Шоҳ Жарир аёли Биби Убайда (Обида бону)ни ва омон қолган лашкарини олиб, Мадинага равона бўлганди. Бағдодга борганларида Биби Убайда ҳомиладор эканидан хабар берди. Кўп кулфатлардан сўнг бу эзгулик сабаб кўнгиллари бир оз таскин топиб, Мадинаи мунавварага етдилар.

Арабистон нотинч, эл бесар замон эди. Шоҳ Жарирнинг жонига кўз тиккан душманлар оғу бериб ҳалок қилишди.

*Убайда зор йиғлаб кун тугатти,  
Қаро кунлар била ою йил ўтти.  
Етушти соати, тугди ўғилни,  
Убайда бону жам этди кўнгулни.  
Қўюб они отини Фазл<sup>28</sup> Муҳаммад,  
Дедилар гўёки Аҳмад.*

«Сафед Булон қиссаси»дан.

Йиллар ўтди. Биби Убайда бону беваликда улғайтирган Шоҳ Фазл эр етди. Бу замонга келиб Туркистон ва Фарғона мусулмонларининг аҳволи

---

<sup>27</sup> Аллоҳнинг бу амри Жаброил алайҳиссаломга айтилганди, деювчилар ҳам бор.

<sup>28</sup> Бу исми баъзида "Фозил" ёзадилар.

оғирлашди, уларни яна таъқиб қилишарди. Айтадиларки, Мадинага кўмак сўраб илтимоснома ҳам борди:

*Агар Шоҳ Фазл мунда келса эрди,  
Орамизда ўшал эр бўлса эрди.  
Булурди ул зотки бизларга улук,  
Бу ерда бизни ҳоло бошимиз йўқ.*

«Сафед Булон қиссаси»дан.

Мактубга жавобан Шоҳ Фазл Фарғона сари лашкар тортди. У падари ўтган йўллардан юриб, Қубода, Ахсида бўлди. Косонсой ва Ўнғорни фатҳ этиб, Қирғин Масжид шаҳидлари учун интиқом олди. Ихшит қочиб қолди. Музаффарлик либосини кийган Шоҳ Фазл Сафед Булонда мақбара кўтариб, шаҳидларни дафн этди, номларини тошларга рақам қилди.

Шоҳ Фазл тобора шуҳрат топиб, онасининг қавмидан<sup>29</sup> Бадиъа Бону исмли қизга уйланди. Бу никоҳдан бир ўғил дунёга келди, гўдакни бобоси шарафига Жарир Муҳаммад атадилар.

Илм ва ҳарб санъатини бирдай эгаллаган Жарир Муҳаммад 12 ёшга етганида Шоҳ Фазл Косонсой ҳукмронлигини унга ҳадя этди. Шу сабаб катта тўй бошланди, бироқ шодиёна охири фожиона якун топди. Косонсойда Шоҳ Фазл ҳам қиблагоҳининг аччиқ қисматига гирифтор бўлди – оғу бериб, у зотнинг бошига етдилар.

*Имом косонийларга баҳр берди,  
Буларга ул халойиқ заҳр берди.  
Имома заҳр онда кор қилди,  
Аларни оқибат бемор қилди.  
Давоси бўлмади, бағрини тилди,  
Имом ожиз бўлуб, охир йиқилди.  
Жудо бўлди Биби ондек ўғулдин,*

---

<sup>29</sup> “Онаси қавмидан” – бу таъкид шунга ишоратки, Шоҳ Фазлнинг волидаси Убайда Бону асли Ўнғордан бўлиб, Корвоннинг қизи эди.

*Эсиз, Шоҳ Фазл онда кетти қўлдин.  
Яна қолди набирога суёниб,  
Босилмас оташи сўзонга ёниб.*

«Сафед Булон қиссаси»дан.

Шоҳ Фазл билан Хожа Абдулқосим исмли йигит ҳам келган бўлиб, у Хожа Абдурахмон ибн Авфнинг фарзанди эди. Уғил отасини Қирғин Масжид шаҳидлари сафидан тополмагач, бедарак қиблагоҳидан бир нишона излаб, Фарғона мулкида сарсари кезаверди. Шу мурод билан етти маротаба Аштдаги тоғу чулларни айланиб чиқди, яна етти бор Шоҳимардонга бориб-келди.

Ҳеч бир дарак тополмай саргардону ҳайрон йигит Чустга келиб қолди. У отаси соғинчини айтиб-айтиб йиғлаб бораркан, оҳу зори уйқудаги бир азизнинг қулоғига тушди. У киши уйғониб, гирён мусофирдан ҳол-аҳвол сўрайди.

- Шу ерларга келиб, Ватанига қайтиб бора олмаган падари бузрукворимдан бир нишона излайдурман, - дея арзи ҳол қилади Хожа Абдулқосим.

Чустлик киши ориф эди.

- Мен сизнинг отангиздан белги бераман, - дейди у ва солиҳ ўғилнинг қўлидан тутиб, Чилонзорга бошлайди. Сўнг икков Сунбул ва ғорга, Ортиғматга, Шавла булоққа ўтадилар. Ориф киши йўл-йўлакай бу манзиллар тўғрисида шарҳ берар экан, фожианинг интиҳоси—Чоҳи морга етиб келадилар.

- Қиблагоҳингиз – Ҳазрат Хожам мана шу даргоҳда ёвлар кўзидан ғойиб бўлганлар, - дея ўз ҳикоясига яқун ясайди чустлик азиз.

Хожа Абдулқосим отасига мақбара солмоқ ва бу атрофларни ободу музайян қилмоқ ниятини кўнглига тугиб, шу ерда муқим яшашга қарор беради. Хожа Абдурахмон ибн Авф унинг тушига кириб, дейдики:

- Эй фарзанд, ташрифингиз хуш бўлғай. Магарамким, хизматимга бел боғлабсиз, ҳимматингиз ажрини Аллоҳим берсин, аммо бу хусусларда ўзингизни

ортиқ уринтирманг. Зеро, каминадан қолган ёдгорликлар борки, йўқлаб келгувчиларга улар ҳам кифоя. Бир енгил паноҳ қилингки, очикда қолмасам бўлгани.

Хожа Абдулқосим қиблагоҳи ғойиб бўлган Чоҳи мор устига кичик иморат солди, туғ боғлади, ҳақиға Қуръон тиловат қилиб турди. Хожа Абдурахмон ибн Авфнинг дуолари шарофатидан юзлаб чашмалар жўшиб ётардики, у зотнинг солиҳ ўғли деҳқончилик бошлади. Дилини Аллоҳга, дастини меҳнатга равон этган Хожа Абдулқосимнинг пешона теридан боғлар яралди, далалар, даштлар яшнади.

Бир ўзи бир дунё жойни жаннатга айлантирган йигитга тоғлик элатлар ҳавас қилдилар, қизиқиб қолишди. Икки ўртада борди-келди туғилди. Улардан вакил бўлмиш мўйсафидлар дедиларки:

- Аё тақсир, сизнинг тасарруфингизда ўт-сув мўлкўл, бизларда чорва сероб. Маъкул кўрсангиз, ҳамсоя бўлиб яшасак, молимизнинг ҳар ўн бошидан бири биздан сизга сийлов.

Алқисса, ҳар булоқнинг бошига битта рўзғор қапа тикиб, мол боғлади, қишлоқ бунёдга келди.

Хожа Абдулқосимга тушида тағин башорат бўлди:

- Эй фарзанд, -дер эди қиблагоҳи.- Менга қилган хизматларингиз учун дуодаманки, икки дунёда камлик кўрманг ва тилайманки, улуғ мукофотни сизга Аллоҳ берсин. Аммо энди умрингизни бу ерларда беҳуда ўтказманг. Боринг, бахту тахтингизни топинг, азрўйи азалда сизга тақдир қилинган хон қизига уйланинг.

Ўғил уйкудаги бу синоатга таъбир тополмай тараддудланди. Уйлаб-уйлаб Чустдаги ўша ориф зотнинг ҳузурига борди:

- Эй устоз, гап шундоқ-шундоқ.

У Хожа Абдулқосимни бошлаб Хўқандга йўл олди ва у ерда Биби Убайда онага учрадилар.

Ривоятнинг давомида айтилишича, Убайда бону Бўтақўз исмли неварасини ёки эварасини Хожа Абдулқосимга тўйлар қилиб узатади. Улардан беш ўғил дунёга келармиш. Фарзандларини уйлаб-жойлаб бўлгач,

Абдулқосим туш кўради. Хожа Абдурахмон ибн Авф ўғлининг уйқусида дер эди:

- Эй фарзанд, мана кунгилни тинчитдингиз, энди Самарқандга бориб, даври давронингизни суринг...

Кейин Хожа Абдулқосимнинг Самарқандда 40 йил подшолик қилгани, Шоҳи Зинда ҳам шу шахсга алоқадорлиги ривоят қилинади. Булар ёлғиз Худога маълум.

# РИВОЯТЛАР

## 1

Хожа Абдурахмон ибн Авф дейилаётган зотнинг ўз исми Муборак эмиш. Хожа Абдурахмон - ўша Муборакнинг отаси. Шу Хожа Абдурахмоннинг келиб чиқиши Хуросондан бўлиб, бир куни хонадонига ўт кетади ва бор-будидан айирилади. Шу воқеадан сўнг унинг тушида ваҳий келади:

- Эй Хожа Абдурахмон, молу дунёга кўнгил қўйма, қолган бойликларингни ҳам мискин, бева-бечораларга тақсимлаб бергин. Ўзинг Маккайи Мукаррамага йўл ол ва шайхлик мақомини тутгин...

- Йўл бўлсин? – дейди Макка тарафига бораётган Хожани тўхтатиб бир киши.

- Мана шунақа-шунақа гаплар. Ҳаммаси тушимда башорат бўлган.

- Ниятингиз яхши, - дейди йўлда учраган мўйсафид.- Аммо шайхлик мақоми ҳазил гап эмас ва уни аввал ўрганмоқ зарур.

Шундай қилиб, Хожа Абдурахмон ўша зоҳид кишининг кулбасида бир йил истиқомат қилиб, шайхлик камолотига эришади. Сўнгра Мадинага бориб, бир мунча муддат пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (С.А.В.) нинг хизмати шарифларида турди. Маълум вақт-соатлардан сўнг жаноби Расулulloҳ унга ижозат бериб дедилар:



- Эй Хожа Абдурахмон, сиз энди юртингизга қайтсангиз ҳам бўлади.

Эмишки, ана шу киши Хожа Абдурахмон ибн Авф дейилаётган, ўзининг асл исми Муборак бўлмиш азизнинг отаси, дейдилар...

## 2

Муҳаммад алайҳиссалом Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг Ййди Қурбон намозини адо этиб, масжиддан чиқсалар, беш ёшлардаги бир болакай<sup>30</sup> йиғлаб турганмиш.

- Эй болам, нега йиғлайсан, қаердан келдинг? - деб сўрайдилар Сарвари олам.

- Хуросондан.

- Ким билан келувдинг?

- Туябоқар болалар билан.

Норасида оч экан, Пайғамбаримиз унинг қорнини тўйғазгач, тагин сўрадиларки:

- Шерикларинг қаёқда?

- Улар сайлгоҳга кетишган.

Расулulloҳ (С.А.В.) унинг ҳам сайлгоҳга боргиси келаётганини пайқаб, шодиёна манзилига етаклайдилар. Йўлда бола тагин йиғлай бошлайди. Сабабини сўраганларида:

- Отам бўлганда менга ҳам туя олиб берардилар, сайлгоҳда туя миниб сайр қилардим, - дейди бола.

- Мен туя бўлсам, минарминдинг?

- Ҳа, - жавоб беради у.

Расули Худо болакайни елкаларига миндириб олдилар. Бола яна йиғлаб дейдики:

- Ҳаммининг туяси "авф-авф" деяпти. Туя бўлсангиз, нега сиз "авф-авф" демайсиз?

---

\* Ушбу ривоятнинг мазмуни ҳақиқатан ҳам чалкаш, лекин одамлар тилида ҳамон шу ҳолда айтиб юрилади.

<sup>30</sup> Бизга бу ривоятни айтиб берган Ҳалим бува Эрматовнинг таъкидлашича, у киши ўқиган «Гўдакнома» китобида болани «Ранг-рўйи сарғайган, сочлари ўсган» деб таърифланади.

Кўнгиллари ийиб турган Жаноб Пайғамбаримиз икки бор «авф-авф» деганларидан сўнг Жаброил алайҳиссалом тўхтатиб қоладилар ва дейдиларки:

- Ё Расули Акрам, Меърожда Ҳақ Таоло берган ваъда ёдингиздан чиқдими?...<sup>31</sup>

Ана шу воқеа сабаб «Авф» боланинг исмига насаб ўрнида қўшилиб қолди... Пайғамбари Худонинг елкаларига миниб бораётган болани кўриб, Абу Бакр Сиддиқ шошиб қолдилар ва болага «туш» дедилар.

- Норасиданинг дилига озор берманг, қайтардилар Расули Акрам. - Ундан кўра боққолликдан ёнғоқ оп келиб суюнтининг.

Ҳазрати Абу Бакр олиб келган ёнғоқларини ерга қўйганларидан сўнг бола пастга тушди. Бундай қарашса, у ҳали ҳатна қилинмаган экан. Пайғамбаримиз боланинг қўлини ҳалоллаб, то вафотларига қадар ўз фарзандларидай тарбияладилар, дейилади ривоятда...<sup>32</sup>

## «Самария»ни ўқиб...

Китобхонларга маълумдирки, «Самария» номли бағоят пурмаъни тарихий асар бор. Унинг муаллифи Самарқанд қозиси Саидхожанинг ўғли муфтий Абу

---

<sup>31</sup> Бу воқеани шундай шарҳлайдилар: Муҳаммад алайҳиссалом Меърожда бўлиб, Аллоҳдан умматлари гуноҳи учун мағфират сўраганларида Парвардигор учдан икки қисмини дарҳол авф этишга ваъда берганди. Ҳазрати Жаброил Расулulloҳ учинчи бор ҳам «авф» деб юборсалар, гуноҳларнинг кейин кечирилажак учинчи қисмига дахлдорлик пайдо бўлишига ишорат қилгандилар. Буни Аллоҳ ўзи билади.

<sup>32</sup> Ушбу ривоятнинг бошқа вариантыда Хожа Абдурахмоннинг Арабистондаги жангу жадаллардан безиб, Туркистонга келгани, подшо бўлгани айтилади. Маълум вақтдан сўнг у тож-тахтини топшириб, ватанига йўл олади. Бироқ йўлда Фарғона сари қўшин тортиб келаётган Шоҳ Жарир билан учрашиб қолади. Шоҳ Жарир лашкарига қўшилиб, изига қайтади ва Фарғонага келиб, китобнинг аввалида битилган саргузаштларни бошидан кечирар эмиш...

Тоҳирхожа бўлиб, XIX асрда яшаб ўтган фозил ватандошларимиздандир. У рус истилочилари Самарқандни асоратга солгач, Бухорога кўчиб кетган ва 1874 йили Карманада қафо қилган.

Садриддин Айнийнинг таъкидлашича, «Самария» ҳижрий 1260-1265, милодий 1844-1848 йилларда форс тилида ёзилган. Уни Абдулмўмин Сатторий 1921 йили ўзбекчага ўгирган экан.



Жами 11 бобдан иборат «Самария»нинг 9-бобида «Самарқанд арки ичидаги мазорлар» номли бўлим бор. Шу саҳифада Абу Тоҳирхожа ёзади: «Ҳазрат Шайх Абдурахмон ибн ал-Авф деб ном қозонган Шайх Абдурахмон мазори. Бу мазор арк дарвозасига туташ, Қутби чордахўм ва Имом ул-Ислом мазорлари яқинидадир. Лекин «Тарихи Мадина»да «Абдурахмон ибн ал-Авф» мазори мунаввар Мадинада, Боқъе қабристонидадир, деб кўрсатилади. Иккала киши бир ном билан аталган бўлса эҳтимол. Яна улуғ Тангри ўзи билади. Унинг, Худонинг раҳмати бўлсин, мазори жуда нурлидир».

Ўрни келиб қолгани учун худди шу «Самария» китобидан тағин бир иқтибос:

«Шайх Абдурахмон Дорамий мозори. У ҳадис айт-гувчилардан. Шавдор туманидаги Испаний қишлоғи-дадир. У Самарқанд музофотидан бўлган, бурунларда Дорам деб аталадиган қишлоқдан бўлгани учун Дорамий деб ном чиқарган. Ҳозирда турклар ушбу мазор эгаси пайгамбар суҳбатдошларидан бўлмиш Абдурахмон ибн Авф деб атайдиларким, янглишдир. Лекин Абдурахмон ибн Авфнинг мозори Мадинадаги Боқъе қабристонидадир. Дорамийнинг таржимаи ҳоли белгилик эмас. Самарқанд шаҳри билан Дорамий мазорининг ораси бир тошу учдан бир (икки чақирим) чамаси йўл».

\*\*\*

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратларнинг «Ҳадис» («Ал-жомийъ ас-саҳиҳ») китобларида Абдурахмон ибн Авф номи тилга олинган. Чунончи, «Саҳиҳ»нинг 1991 йили чоп этилган 1-жилдида (27-боб, 345-346-бетлар) Саҳл разияллоҳу анҳудан ри-воят қилинади:

“Бир хотин Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламга четига попуқ тикилган бурда (устки узун кўйлак) олиб келиб, ҳадя қилди. Шунда: «Билурмисиз, бурда қандоқ кийимдир?»- деб сўрадим. Саҳобалар: «Бу шамладир (бутун баданни қамраб турадиган кийимдир)», - дейишди. Мен «Ҳа, топдингиз!» - дедим. Бояги аёл жаноб Расулуллоҳга: «Буни атайлаб Сизга ўз кўлим билан тўқиб келтирдим», - деди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам уни ўзларига керак бўлгани учун олдилар, кейин ичкарига кириб (изор ўрнида) белдан пастларига ўраб чиқдилар. Шунда фалончи (Абдурахмон ибн Авф): «Қандоқ яхши эркан, менга кийдира қолингиз!»- деди. Саҳобалар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига керак бўлгани учун кийиб эрдилар, яхши қилмадинг, сўраган нарсангни йўқ демай бермакларини билурсан-ку!» дейишди. Абдурахмон: «Аллоҳга қасамёд қилиб айтурманким, кўйлакни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламдан киймоқ учун сўраганим йўқ, уни ўзимга

кафанлик қилиб олиб қўймоқчиман», - деди. Ўшал қўйлак (кейинчалик) унга кафанлик бўлди».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: “Абдурахмон ибн Авф кириб келди, жаноб Расулуллоҳ уни Саъд ибн ар-Рабиъ билан ака-ука тутинтириб қўйдилар. Саъднинг иккита хотини бўлиб, у Абдурахмонга: “Аҳлу аёлим бирлан молу дунёмнинг тенг ярмини ўзингга олгил!” - деб таклиф қилди. Шунда Абдурахмон : “Оллоҳ таоло сенга, аҳлу аёлингга ҳамда молу дунёнга барака ато этсин, мени бозорга олиб борингизлар!”-деди. Уни бозорга олиб боришган эрди, у озгина пишлоқ, озгина сариёғ харид қилди. Бир неча кундан кейин, жаноб Расулуллоҳ (С.А.В.) уни учратиб қолдилар, қўлида (ёки эгнида) бир сариғ нарсанинг доғи бор эди. Ул зот унга: “Эй Абдурахмон, аҳволинг нечук?”-дедилар. У: “Бир ансория хотинга уйландим”, - деди. Ул зот: “Нима бердинг?” - дедилар. Абдурахмон: “Данакдек олтин”, - деди. Ул зот: “Битта қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй қилгил!” - дедилар”. (“Ҳадис”, 3-жилд, Тошкент-1995, 387-бет).

## Иккинчи бўлим

### ВИДО МАНЗИЛИ

Хуш, Абдурахмон ибн Авф ким ўзи? Тошқурғон тилга олинган зоти шарифлардан қай бирига видео манзили бўлган?

Муаллиф бу саволларга жавоб излагани йўқ ва изламоқчи ҳам эмас. Юқоридаги икки савол ўрнига аслида «Авлиёлар олдида икки дунё бир қадам» ҳикмати ёзилса дурустроқ бўлур эди. Ёлғон ва чин дунёни бир одимда ўтган улуғларнинг қабрлари хусусида иштибоҳ, баҳс, таажжубга ҳеч ҳожат йўқ. Кароматларнинг сири ёлғиз Аллоҳга аён, холос. Дебдиларки, азизлар Худо эмас, Худодан жудо эмас... Ишонмоқ керак.

Чортоқ шаҳрида Шод Малик қабристонини бор, худди шу номдаги мазора Оҳангаронда ҳам бор экан. Попдаги Имом ота зиёратгоҳи маълум ва машҳур. Шундай қадамжо яна Ангор туманида мавжудлигини яқинда ўқиб қолдим. Чўпон ота мазори Самарқандда ҳам, Хоразмда ҳам бўлиб, «Самария»да «улар бошқа-бошқа кишилардир» деб ёзилади.

Замин куррасида қабристон бўлмаган ақалли бирор парча ер бормикан? Қай бир қитоба қиёмат куни бир туёқнинг ўрнидан бош кўтарадиган марҳумлар сони кел-

---

\* Имом ота деб аталадиган қадамжо Андижон вилоятининг Хўжабод тумани ҳудудида ҳам бор (Мухаррир изоҳи).

тирилибдики, ёқа ушлайсиз (адад турли манбада 2-3 хил кўрсатилгани учун рақам ёзилмади).



Бошқа кўп ривоятларда Искандар Зулқарнайнинг йигит ёшида қазо қилгани айтилади. Фарзанди доғида юрак-бағри кабоб бўлган онаизори қабристонга бориб фарёд қиларкан:

- Искандар, ҳой Искандар, Искандаргинам...

- Лаббай, онажон,- дея ўша биргина қабристондан неча Искандар садо берармишки, қани энди ҳалиги она ўзининг жувонмарг ўғлини топиб олса!

Тошқўрғонга илгарироқ келган мисрлик бир меҳмон тўғрисида айтиб беришди. Раҳматли Фарҳод Йўлчиев олиб борган у олим ўшанда Наманган университетидан ишлаётган экан, баланд бўйли, қорачадан келган деб таърифлашди. Янглишмасам, ўша мисрлик фузалонинг исми Холид эди. Худо раҳмат қилгур устозимиз Одилжон Носиров у билан доим бирга бўлгани боис мен ҳам жаноб Холиднинг икки-уч бор суҳбатида қатнашгандим.

Хуллас, ўша мисрлик жаноб Хожа Абдурахмон ибн Авф қабрини зиёрат қилиб, қуръон ўқибди ва деган экан:

- Ҳазрати Алининг қабри етти жойдалигини эшитганман. Бошқа кўп азизларнинг, жумладан, Хожа

Абдурахмондай зотларнинг қабри ҳам беш-олти ерда учраса-да, таажжуб беҳожат. Зеро, Аллоҳнинг даргоҳи кенг.

Менимча, жуда оқилона изоҳ. Жаноб Холиднинг юқоридаги мулоҳазасидан келиб чиқайлик: Фарғонадаги Шоҳимардон қишлоғининг номланиши ҳам Ҳазрати Али билан боғланиб, у ерда Али Шери Худонинг қабри бор, дейдилар. Ғова томонлардаги тоғда эса у зоти шариф минган дулдулнинг туёқ излари ҳалигача турган эмиш...

\*\*\*

Энди мана бу тарихни таҳлил қилиб кўрайлик, Қирғин Масжид фожиасидан сўнг Шоҳ Жарир кўшини чекиниб турган пайт, Косонсойга киролмаяптилар.

*Имом<sup>33</sup> хайрон туриб эрди бу жойда,  
Ярадор бир кимарса келди онда.  
Кўрар – Аббосни ўғли шоҳ Қусамдур,  
Яраликдан бориси пур аламдир...  
Қилиб манзил-мароҳил тай бисёр,  
Самарқандга етуштилар ба як бор.  
Қусам тобти Самарқандда вафоти,  
Бу дунёни кўрунг йўқдур саботи.*

«Сафед Булон қиссаси»дан.

Қусам - Муҳаммад пайғамбаримизнинг амакилари ҳазрат Аббос разияллоҳу анҳунинг тўртинчи ўғли эди. Қусам ибн Аббос саркарда Усмон ўғли Саид билан Самарқандга келади ва 677 йили ўқ тегиб шаҳид бўлган. Унинг Бану Ножия қабристонига қўйилгани «Самария»да ёзилган. Бироқ ушбу китобнинг ўзида бу зотнинг бошқа мазорларга ҳам дахлдорлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Бу тўғрида Наршахий «Бухоро тарихи» асарида яна бўлакча манзилларни баён этган.

Қусам ибн Аббосга нисбат бериладиган қабрларнинг нечталигидан қатъи назар бошқа бир мулоҳаза бор,

<sup>33</sup> Имом – Шоҳ Жарир кўзда тутиляпти.



яъни «Сафед Булон қиссаси»дан бўлак манбада Қусам ибн Аббоснинг Фарғона томонларга келгани, Шоҳ Жарир билан бирга бўлгани хусусидаги қайдлар учрамаяпти. Бизнинг эса бу ҳақда баҳс қилмай, бориға ишонмоғимиз лозимдирки, валлоҳи аълам биссаваб.

Бу гаплардан муддао шуки, Хожа Абдурахмон ибн Авф қадамжоси нечта бўлса –бари табаррук, муқаддас. Бугун у киши номи билан боғлиқ зиёратгоҳ 5-6 та чиқяпти. Жумладан, Мадинаи Мунавварада, Самарқанднинг ўзида икки ерда, Ангор туманида. Ҳатто Аштда - тоғда ҳам бу зоти бобаракот номи билан боғлиқ азиз жой бор экан. У ерда Оббува дейишармиш.

## Ғойиб бўлган рисола

Тошқўрғонда кўп фозиллар камолга етишган. Алалхусус, уларнинг сўнги бўғинига мансуб уч уламо ҳануз кўпчиликнинг ёдида. Қишлоқда уларни кўрган, суҳбатига мушарраф бўлган кексалар ҳали ҳаёт, улар ўша уч устозни соғиниб, қўмсаб кўзларида ёш билан тилга оладилар: Акбар қори, Садриддинхон тўра, Аҳмадвали халфа.

Акбар қорининг қиблагоҳи қози бўлиб ўтган. Акбар бува мадраса кўрган, лаззатни тақводан топган, бизнинг замонда кам топиладиган орифлардан эдики, ёруғ дунёга келиб рўзғор кўрмади, оиласиз, бола-чақасиз яшади. Умрининг охиридаги ўз иқрорича, оламдан «бутоқсиз» кетди. Аллоҳ у кишини раҳматига олсин.

Садриддинхон тўра Аллоҳдан, илмдан, меҳнатдан ўзга нарсани неъмат билмади. У киши уламолар таъқиб қилинган кезлари Тепақўрғонга (Наманган тумани) кўчиб кетган бўлса-да, Тошқўрғон билан борди-келдисини узгани йўқ. Садриддинхон тўра дили пок, оқ ният, кароматли, нуруний зот эди.

Бу уламоларнинг учинчиси бўлмиш Аҳмадвали халфа хокисор ва мискин, қаландар феъл инсон сифатида юракларда яшамоқда. У кишидаги яхши хислат-

лардан бири китобсеварлик эди. Хусусан, Хожа Абдурахмон ибн Авфнинг воқеоти битилган китобини ўзидан ҳеч-ҳеч нари қилмаган. Айтадиларки, халфа бува ўша қиссани доимо белига боғлаб юрган.

Кунлардан бир кун (эллик йилча бурун) Садриддин-хон тўра Аҳмадвали халфани йўқлаб келади.

- Бир тоғларга чиқайлик, халфа – дейди у киши.- Ҳаво алмаштириб, азизларни йўқлаб, қадамжоларни зиёрат қилиб келардик.

Халфа бува «йўқ» дермиди? Икков Подшоотагами ё Идрисбувагами равона бўладилар. Аниқки, Аҳмадвали халфа белидан бўшатмаган бояги китоб сафарда ҳамроҳлари эди. У ёқда китобхонликлар, зикрлар бўлади.

- Кейинги ташрифингизга қадар Хожа Абдурахмон қиссасидан баҳраманд бўлиб турсак,- дея ўтинади маҳаллий уламо...



Ўшанда китоб тоғларда қолганди. Ўчакишиб ҳадеганда у ёқларга йўл тушавермади. Озиб-ёзиб бир борганларида асарни кимдир қаёққадир олиб кетганини айтишди, холос. Йиллар ўтди, бу орада тоғлик мулланинг қазо қилгани ҳақида хабар келди. Бир гал

Садриддинхон туранинг ўғли атай шу китоб учун тоққа борди-ю, қуруққина қўл билан қайтди. Хулласи калом, йўқотилган қиссани ўн йиллаб қидиришдан ҳеч бир натижа чиқмайди.

“Қўл билан бериб, оёқ билан оласан” деганлари Аҳмадвали халфанинг бошига тушганди. Башарти пул-мул бўлса ҳам бунчалар ўкинмасди. Алам қиладиган жойи шундаки, умр бўйи белидан қўймаган нарсани ўз қўли билан ташлаб келганди! Боз устига хижолатлик жойи ҳам бор: китоб ўзиники бўлгани билан, унинг ичидаги маъни бутун Тошқўрғон аҳлининг мулки эди-да.

Халфа бува ёши бир жойга борганда китобдан умидини узди. Аммо гўдаклигидан бошлаб ўн, балки юз мартаб ўқийверилган қисса қарияга ёд бўлиб кетганди. Ўз хатосини ўзи тузатишга қарор берган мўйсафид Аҳмадвали халфа қўлига қалам олди, неча-неча тунларни бедор ўтказиб, Хожа Абдурахмон ибн Авф қиссасини қоғозга туширди<sup>34</sup>. Умри охирлаб қолган қария ана шу вазифани ҳам адо этиб, қишлоқдошлари билан юзи ёруғ бўлиб видолашганди.

Аҳмадвали халфадан сўнг у битган арабий дастхатни ўқиш қийин кечди. «Ўқийман, ўқитиб кўраман» деган ҳар кимлар олиб, бу ягона ҳужжат ҳам қўлдан-қўлга ўта бошлади. Ахийри китобнинг Аҳмадвали халфа нусхасини тошқўрғонликлар қўлдан чиқаришди. Яъни биров китоб қилиб бостираман деб Тошкентга ола кетган, китоб чиққани йўқ, қўлёзма эса қайтмади. Ундан буён кўп йиллар ўтди.

Айтишларича, Хожа Абдурахмон воқеаси ҳақидаги ўша (тоғда йўқотилган) асл китоб ягона бўлмаган. Нусхаси Попда, Варзикда кишилар қўлида бор деган гаплар чиқди, бироқ хушxabар тасдиқланмади. Бурунроқ арабий ёзувдаги китобларни кимдир вилоят марказига олиб кетган экан. Изланаётган асар ўшалар орасида

---

<sup>34</sup> Аҳмадвали халфа битган такрорий китоб хусусида шундай гап ҳам эсланди: у киши 1300 йил бурунги воқеалар баёнида замонавий атамаларни бемалол қўллайверган. Ҳатто қўлёзмада «папирос» деган сўз ҳам бор экан.

эмасмиди - бу ҳам номаълум. Эмишки, қўлэзма Тепакўрғонда бировнинг хонадониди турибди. Тошкўрғонликлар билан камина ҳам бирга бордим, афсуски ...

Ажабо: ўн уч аср бурун ғойиб бўлган Хожа Абдурахмон ибн Авф ҳамиша ҳозир. Аммо бир неча йил бурун битилган қўлэзма топилмайди. У тупроқ остиди эмас, аммо ғойиб бўлган.

## Каромат

«Мавлоно Лутфуллоҳ маноқибиди»да Амир Хусайндан ҳикмат келтирилибдики:

- Бандага Аллоҳнинг инояти бўлмагунича каромат қила олмайди.

Хожа Абдурахмон ибн Авф, Қизлар буви, Хожа Абдулқосим қисматлари башоратли тушларга уйғун тарзда ривоят қилингани ўқувчига аввалги боблар мазмунидан аёндир, албатта. Ўша сирли тушлар Тошкўрғон ва Машҳад тупроғида кўрилганди. Ҳозир бу икки қишлоқ Карнон тасарруфидадирки, шу нуқтани ёдда сақлаб туришни китобхондан сўраймиз.

Муаллифдан ушбу «вазифа» шунинг учунки, қуйида келтириладиган икки туш воқеаси ҳам айни Карнон ҳудудида содир бўлганди ва улар ривоят эмас, ҳақиқатдир.

«Маноқиб»да ёзилибдики, (Мавлоно Лутфуллоҳ) айтдилар: «Карниён (Карнон) қишлоғида бўлиб турганимизда, таҳажжуд намозидан кейин муроқабада ўтирган эдим, кўзимга хожагон тариқатининг улуғ ақибирлари кўриндилар ва : «Эй фарзанд, халойиқни Аллоҳ тарафига ҳидоят қилгайсан», - деб марҳамат қилдилар. Мен: Бу иш оғир юқдир, урдасидан чиқа олмайман, - дедим. Шунда руҳлар ўртасида Ҳазрат Маҳдуми Мавлоно Хожаги кўриниб: «Энди қабул қилмасанг бўлмас», - деб амр қилдилар. Ноилож ўрнимдан туриб таъзим қилдим. Улар банда ҳақиқа

фотиҳа ўқидилар. Шундай бўлса ҳам бу улўф амр ҳақида ўйлашга чўчир эдим. Чунки пирим Маҳдуми Калон Хожаги Аҳмад ҳаёт бўлатуриб, бу ишоратга бўйсуниб, бу масалада ўзимга эрк беришга журъат қила олмасдим. Уч марта Ахсикентдан Маҳдуми Калон хизматлари учун Самарқандга бордим. Ҳар йили бир неча муддат ул зотнинг мулозаматларида бўлардим. Аммо мушкуллим ҳал бўлмади. Учинчи марта бориб, натижасиз Ахсикентга қайтаётганимда сафарим Дизах (ҳозирги Жиззах) чўли билан эди. Отим нобуд бўлиб, уловсиз қолдим. От жабдуқларини кўтариб, Шоҳрухияга пиёда келдим. Йўлда кўп азоб ва машаққатларни бошдан кечирдим. Аллоҳ таолога нола қилардимки, «Эй Парвардигорим, Сенинг бечора бандангдирман ва Сенинг иродатинг бирла бу азизнинг иродатига кирганман. Аммо мана уч йилдирки, бир мушкуллимни ҳал қилиш учун ул зотнинг олдига қатнайман. Ўзинг мушкуллимни ҳал қилгин, Парвардигоро!» Ногоҳ дилимга ғайбдан нидо келди: «Мусҳафни (Қуръонни) оч ва мушқулингнинг жавобини ўқи!» Каломуллоҳни очиб, бир неча оятларни ўқидим. Мазмуни бу эди: «Биз амр қилдикким, ожиз бандаларимни рост йўлга бошлагил. Сузлик қилмаким, биз хоҳламагунимизча, сенинг мушқулинг ҳал бўлмагай». Шу пайт пиру бузругимиз Маҳдуми Калон ҳозир бўлиб айтдиларки, «Нима учун солиқлар билан суҳбат қилишдан ўзингни тортяпсан?» Шу бўлди-ю, ҳазрат пиримнинг мулозаматларига борганда мушкуллимни дарҳол ҳал қилиб бердилар».

Энди «Бобурнома»ни ўқиймиз. «Карноннинг бир куруҳида<sup>35</sup> турдук» деб ёзади муаллиф. Демак, қишлоқ че-тида туришган. Балки бу ўша Хожа Абдурахмон ибн Авф тўхтаб, қўшчидан нон сўраган даладир. Тарихнинг так-рорини қарангки, душманларидан беркиниб юрган Бобур ҳам Ҳазрат Хожа каби оч эди: «Банда Али (Карнонга) борди... Уч нон келтурди». Эсланг, Хожа Абдурахмон ибн Авфга ҳам шу Карнон қишлоғидан нон келтириб бе-рилган.

<sup>35</sup> Бир куруҳ - 4000 қадамга баробар масофа.

Ахсидан чекиниб, уч кундан бери сарсон, саргардон кезаётган Мирзонинг ёлғондакам онт ичиб, сохта садоқат арз қилаётган уч йўлдоши нақд душман. Фақат хужум қилишга юраги бетламайди холос.

Бобур ўша ғурбат лаҳзалари ҳақида ёзади: «Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келаду эди, вузу қилдим, икки ракаъат намоз ўқудим, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайду эдимким, кўзум уйқуға борибтур. Кўраду рменким, Хожа Яъқуб – Хожа Яҳёнинг ўғли Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимга аблақ от миниб, кўп жамоати аблақсувор билан келдилар. Дедиларким: Фам емангиз. Хожа Аҳро мени сизға йибордилар. Дедиларким, биз аларға истионат тегуриб, подшоҳлик маснадиға ўлтурғузиббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг.

Ўшал ҳолда хушҳол бўлуб уйғондимким, Юсуф доруға ва ҳамроҳлари бир-бириға маслаҳат қиладу рларким, баҳона қилиб ҳаял қиладу р, тутуб боғламоқ керак.

Бу сўзни мен эшитиб дедимким: - Сизлар бу йўсунлуқ сўзларсиз, аммо кўрайинким, қайсингиз менинг қошимға кела олурсиз?

Ушбу сўзнинг устида эдимким, боғнинг деворидин ташқари қалин отликнинг келур овози келди. Юсуф доруға дедиким: - Биз агар сизни олиб Танбал қошиға борсак эди, бизнинг ишимиз илгари борур эди. Ҳоло яна кўп киши йиборубтур, сизни тутғали.

Ул яқин қилдиким, бу овоз Танбалнинг йиборған кишиларининг отини товуши бўлғай. Бу сўзни эшитгач, манга изтироб кўпроғ бўлуб, қилур ишимни билмадим.

Ўшал ҳинда бу отликлар боғнинг эшигини топарға фурсат қилмай, деворниким, эски бўлғон еридин рахна қилиб кирдилар. Кўрсамким, Қутлуқ Муҳаммад Барлос ва Бобои Парғарийким, менинг жон тортқон навкарларим ўн-ўн беш, йигирма киши бўлғай, етиб келдилар. Булар ёвуқ келиб, оттин ўзларини ташлаб, йироғдин юкуниб,

таъзим қилиб, менинг оёғимга йиқилдилар. Ушал ҳолда манга андоқ ҳолат бўлдимки, гўё манга янги боштин Худо жон берди. Мен дедимки:- Ул Юсуф доруғани ва бу турғон муздур мардакларни тутуб боғланг. Ушал мардаклар қоча бериб эрдиким, бир ерда бировини тутуб боғлаб келтурдилар».

Биз ҳикоя қилган тушлар Карнонда кўрилган. Карнон тупроғида не синоат бор? Ё бу ерда ухламоқнинг ўзи сирми? Мен Хожа Абдурахмон воқеасидан нишона излаб, кўп яхшилар билан сўзлашдим. Шунда амин бўлдимки, Карнонда башоратли тушларни ҳозир ҳам кўришар экан.

Тағин бир гап: 2004 йили карнонлик муаллим Азамат Норинбоев билан суҳбатлашгандим:

- Қишлоғимизда бир хосият бор, - деган эди у. – Мен бунга ишонаман. Кўп зотлар шу ерга келиб хавф – хатардан қутулиб кетишган...

## Чилонзор

Хожа Абдурахмон ибн Авф учун ёвга қарши кўрғон бўлган Чилонзорнинг ҳозирги майдони бир гектарга боради. Куван ариқ унинг кунчиқар тарафида.

Чилон жийда – сершоҳ, сертикон дарахт. Шунчалар битиб, бир-бирига киришиб кетганки, аксарият жойларидан кичикроқ махлуқ ҳам ўтолмайди, киноларда кўрсатиладиган ёввойи Африканинг чангалзорларига ўхшайди. Сўқмоқ йўл ҳам йўқ ҳисоби.

Чилон - мевали дарахт, майнинг охиридан бошлаб гулга киради. Бу паллада Чилонзорда одам ўзини хумда ўтиргандай ҳис этади. Негаки, чилоннинг майда-майда, оппоқ, хушҳид гулчаларидан минг-минг асалари бол йиғади. Уларнинг ғузури сирли чангалзорни тағин ҳам сирли кўрсатади.

Бу ғаройиб дарахтнинг мевасини чилонжийда дейдилар, пахта терилаётганда ғарқ пишади. Қизғимтир пўстини арчиб олсангиз, оппоқ оби ноннинг мағзига

ўхшаб кетади, ниҳоятда мазали, кишини тўқ тутиш хусусияти бор. Унинг анча-мунча дардларга шифо экани табобат китобларида ҳам ёзилган...

Еб ётганга тоғ чидамайди. Шунинг учун бугунги фан кесса тугамайдиган ўрмонларнинг, эриган билан адо бўлмайдиган музликларнинг, ер остидаги беулчов конларнинг, ҳатто қуёшдаги энергиянинг ҳисоб-китобини қилмоқда. Ахир бир кун улар тугаб қолса, нима бўлади? Фаннинг ташвиши ана шунда.

Бу гаплар шунинг учунки, бугун Чилонзор учун ҳам хавф йўқ эмас. Айтинг-чи, ақалли биттагина одам болта кўтариб қийратгани бошласа, бор-йўғи бир гектарлик тўқай қанчага дош бера олади? Ваҳоланки, Чилонзордан ўтин кесиш, ҳатто сотиш аллақачон бошланган...

## Ортиғмат

Ривоятда нақл қилинганки, Хожа Абдурахмон ибн Авф билан Қизлар буви шу ерда биринчи марта дам олишган. Ҳозирда Ортиғмат деб аталаётган ушбу манзилнинг қадимий номи маълум эмас.

Эндиликда бундай номланиб қолишининг сабаби шуки, кичик қабристон учун Ортиғмат бува ўз чорбоғидан бир бўлагини ажратган. Бинобарин, бу ер шу топда мазор бўлиб, унга даставвал Ортиғмат халфа дафн этилган. Кейин тагин уч киши қўйилибди: Элназар халфа, Яминбой халфа, Ҳамидбой халфа.

Ортиғмат - Маматхон Ҳошимхўжаев номидаги кўчага жойлашган.

## Сунбул ифори

Ҳазрат Хожанинг дуоиси шарофатидан аввал ғор, сўнгра сунбул пайдо бўлди.

Девори айлана шаклидаги мўъжаз ғорнинг диаметри бир ярим қулочдан ошиқроқ, шифти икки метрдан баланд. Тошқин кезлари Ғовасой суви ғорнинг ичигача



кириб боради, шифти ва деворлари зилол-зилол томчилар билан қопланган, ҳар замонда чакиллаб туради.

Форнинг устида, жарлик тепасида бир булоқ бор экан. Унинг суви минг бир дардга, айниқса, бош оғриғига шифо дейдилар.

Сойнинг форга туташ соҳили 200-300 метр масофада сунбул билан қопланган. Баъзиларда иштибоҳ борки, бу сунбулми, сунбулмасми? «Сув сунбули - сочдек узун-узун пояли ва жуда нозик баргли папоротник» («Ўзбек тилининг изоҳли луғати», 2-жилд, 85-бет). Тошқўрғонда худди ана шу сув сунбули ўсади<sup>36</sup>. Қизлар буви покланган чоғи бир тола сочи қолиб, ундан сунбул яралганмиш. Унинг пояси чиндан ҳам сулувлар сочига ўхшайди. Сунбулзор жарнинг гоҳ ерида қалин, гоҳида сийракроқ. Нозик ниҳолнинг ҳар бир япроғидаги инжу томчилар гўё Қизлар буви кўз ёшлари.



Сунбул шундоқки, қишда ҳам ям-яшил, майин ҳидини бошқа бир нарсага қиёслаш қийин. Қизлар буви

---

<sup>36</sup> Сув сунбули иссиқ ва совуқ бодга, қандли диабет хасталиғига даво дейдилар. Айниқса, кук чучвараси яхши наф қилармиш. Унинг илдизи женшень каби хусусиятга эга булиб, қувват берармиш.

сунбули гулламайди, уруғи ҳам йўқ. Шу ҳолида бу нафис гиёҳ дунёдан бокира ўтган мазлума қиз тақдирини эсла-тиб тургандай.

Қизлар буви келинлик либосини киймади, бошида «ёр-ёр» айтмадилар, чимилдиққа киргани йўқ. Аммо ундан қолган сунбуллар ёнида неча юз йиллардан буён тўй. Ҳар кўклам чоғи, асосан 2 май куни, сунбулзор теваарагида шодиёна бошланиб, сой соҳили ва ўзанда 1,5-2 чақирим масофага одам сизмай кетади. Аксарият ёшлар, бўйдоқ йигитлар, ўсма-сурмаю хинани куюқ тортган қиз-жувонлар ўйнаб-кулиб, кўнгилларини хушлайдилар. Халқ ўйинлари, курашлар авжланади, аскиячилар сўзбозликка киришадилар. Аттору боққолнинг, новвойу кабобпазнинг куни туғади, ўйин-кулгу ҳам, савдо-сотик ва емак-ичмак ҳам ҳеч кимнинг ёдидан фаромуш бўлмади.

Зоҳиран у Наврўз байрамига ўхшаса-да, наврўз эмас. Тошқўрғон ва Машҳад аҳли ўша кунни “сунбул сайли” дейдилар. Хожа Абдурахмон ибн Авф ва Қизлар бувининг номлари, албатта, эсланадики, чамаси у ўша азизларни хотирлаш маросимидир. Шундайки, «сунбул сайли» бошқа жойларда учрамайдиган, ниҳоятда ўзига хос айём...

Сунбулнинг ўта нозиклигини, уруғламаслигини айтилдики, бундан унинг илдизи нечоғли аҳамиятга эга эканини билиш қийинмас. Демак, сунбулни илдизи билан юлиб олишдек бераҳмлик йўқ ва бу нафис алаф ушбу масалада шафқатга муҳтож.

## Шавлабулоқ

Шавлабулоқ ҳамон шавла солинган қозон мисоли биқирлаб ётибди. У Ғовасойнинг унғ қирғоғида, суви ниҳоятда мазали, ихлос қилсангиз, шифобахш.

Бу шарофатли чашма бошида иккита қадимий дарахтнинг тўнкаси турибди.

Шавлабулоқда 80 йилча муқаддам бўлиб ўтган бир воқеа хусусида айтиб беришди. Кунлардан бир кун булоқ

тепасидаги азим қайрағоч ёнбошлаб қолибди, илдизининг ҳам бир томони кўпорилган. Эътиқод кучли бўлган у замонларда азим дарахтга болта уришга бировнинг юраги бетлайвермайди. Қайрағоч ўша ётганича анча ётди. Ниҳоят уламолар, мўйсафидлар ишга киришадилар. Аввал шохлари кесиб енгиллатилади, сўнг ўрнига тиклаб, илдизини мустаҳкамлашга уринадилар. Қанча ҳаракат қилишмасин - натижа чиқмайди. Кун кеч бўлади. Эрталаб ҳашарчини кўпайтириш маслаҳати билан ҳамма уй-уйига тарқалади.

Аммо азонда уйғонган қишлоқ аҳли не кўз билан кўрсинки, қайрағоч мутлақо йиқилмагандай тикка турибди. Бир кун бурун ҳавоза қилинган, кечқурун қолдириб кетилган баҳайбат тўсинни илдиз ерга киритиб юборибди, тупроқ остидаги ёғочнинг икки учигина кўринади холос. Машҳаддаги кексалар учи чиқиб турган ўша тўсинни 60-70 йил бурун кўрганларини айтиб беришди.

\*\*\*

Говасойда чакка сув қолмаганида ҳам Тошкўрғонда тегирмонлар дўли тўхтамайди. Чунки қишда илиқ, ёзда яхна минг-минг булоқ бор. Айтишларича, қайси йили бир булоқнинг сувини таҳлил қилиб кўришибди: кимёвий таркиби машҳур «боржомидан фарқ қилмасмиш.

- Бизга Худо деган қизлар келин бўлиб тушади, - дея ифтихор қилди бир йигит.

- Яъни?-савол назари билан қарадим.

- Ахир ҳеч бир қелинчак челақ олиб кўчага чиқмайди, ҳар бир ҳовлининг ўз булоғи бор-да.

Балки бу даъвода жиндайгина лоф ҳам йўқ эмасдир. Лекин ҳақиқатдан узоқ ҳам тушмайди. Негаки, сув айқирмагунча тегирмоннинг паррагини айлантира олмайди-да. Хўш, қачонлардир ўн битта бўлган, ҳозирда бештаси гувиллаб турган тегирмоннинг ўн беш пудлик тошини кўзғотмоқ учун қанча булоқнинг боши бирикмоғи лозим?...

Хожа Абдурахмон ибн Авф зиёратгоҳи ҳовлиси ва боғидаги чашмалар ўзи ўнга яқин экан. Демак, бир гектар келиб-келмайдиган жойнинг ўзидан салкам бир тегирмон сув сойга интилмақда.

Тилимизда «оби ҳаёт» деган сўз бор. У сувнинг иззати ва қиммати таъкидлаб турувчи калима. Чунки сув бор - ҳаёт бор, агар у бўлмаса, ҳаёт ҳам йўқ. Хожа Абдурахмон ибн Авфнинг шарофатидан оби ҳаётга ёлчиб қолган меҳнаткаш тошқўрғонликларнинг ризқ-насибаси ҳам маъмур. Дала-боғларни бир бор кезгандаёқ бунга амин бўласиз: қаерга борсангиз, булоқ биқирлайди, кафтдай бекор қолган пайкални кўрмайсиз - ё экин, ё да-рахт.

- Сизларда қандай мевалар бор?

- Саволни бошқачароқ берсангиз дуруст буларди,- дейди тошқўрғонлик боғбон.

- Масалан, қандай?

- Аввал қай мева йўқлигини сўрайсиз?

- Хўп, сиз айтгандай бўла қолсин, қанақасидан топилмайди?

- Ҳозирча цитрус мева ўсмаяпти, холос. Иншооллоҳ, эл омон бўлса, булоқлар жўшиб турса, буниям йўлини топиб оламиз...

Хожа Абдурахмон ибн Авф ва Қизлар бувидан қолган серхосият қишлоқда ана шундай одамлар яшамоқдалар.

## Эъзоз

Хожа Абдурахмон ибн Авф ғойиб бўлган Чоҳи мор устида у бузруквор зотнинг ўғли Хожа Абдулқосим иморат солгани айтилди. Башарти ўтган 1300 йил ичида юз йилда бир янгилаб турилган десак, ўша илк мақбара ўн мартадан кўп таъмирлангандир. Бу бир тахмин холос. Бироқ мақбара ва масжид ўртасидаги қалинлиги икки метрга етган девор бу фикримизга далолатдай. Ахир, қайта-қайта лой чаплаш, арзик қилавериш деворни шу кунги ҳолига келтирмадимикан?..

Ҳозирда мавжуд бўлган пешайвонни юз ёшларда дейдилар. Ушанда Ўзганга кўчиб кетган ака-ука Ҳасан-Ҳусанлар (асли тошқўрғонлик бўлишган экан) қайтиб келишади. Уларнинг қўлида бир мунча бойлик, мол-мулк бўлиб, Ҳазрат Хожа қадамжосини ободонлаштирамоқчи бўладилар. Карнонлик Ой тўра, Кун тўралар авлодидан бўлмиш Рустамхон тўра биносоз экан. Ҳасан-Ҳусанлар ҳаражатни зиммаларига олгач, Рустамхон тўра бошлиқ усталар енг шимариб ишга тушибдилар. Мана энди улар оламдан ўтиб кетишган (Аллоҳ ҳаммаларини ўз раҳматига олсин), аммо айвон мисоли бир ҳайкалдай турибди.



Кейинроқ зиёратгоҳ хизматиға мирзаободлик Бобохон Эшон келиб турди. У кишини Аталахўр Эшон ҳам дейишар экан. Бу 80-90 йил бурунги гапларки, уша Бобохон Эшон шайх бўлиб турган пайтда айвон ичкарасидаги иморатларни тиклашга киришилди. Бу ишга Тошқўрғонда муқим бўлиб қолган Уста Усмон ва Уста Халил буваларнинг (уларнинг келиб чиқиши Чуст шаҳридан) кўп меҳнатлари сингди. Икковлари имонли ҳунарманд эдиларки, жойлари жаннатда бўлсин.

Уша қурилиш ҳақида ривоятнамо бир гапни ҳам айтиб беришди. Иш қизиган маҳал ҳар куни эрталаб эшик

ёнида меъморларнинг иш ҳақиға лойиқ нақдина пайдо бўлиб қолар экан. Бу сир то иморатлар битгунча давом этган, лекин ҳеч ким тағига етолмаган, дейдилар. Уни кимдир эҳсон тарзида қўйиб кетаверганми ва ёки ғойибдан ҳозир бўлган мўъжиза эдими-Аллоҳ билади...

Кейин салтанатларга ўт тушди, юрт бузилди, эл пароканда бўлди. Имон ва эътиқоднинг қотили ўрнида даҳрийлик деган балойи азим туғилди ва бадбахт Даж-жол каби жуда тез улғаяверди.

Руҳимиз фожиаси бўлмиш бу кулфат қиссаси айтган билан адо бўлмайди. Ўша аччиқ кунларнинг заҳр насибасидан Хожа Абдурахмон ибн Авф зиёратгоҳи ҳам бегулуш қолгани йўқ...

Ва лекин атеизм деган бадкирдор «фан»нинг домуллолари билмасдиларки, эътиқодни ўлдириб ҳам, янгилаб ҳам бўлмайди. У ҳамма замон ва маконларда безавол, барҳаёт яшайди, юракни ёндирувчи ҳарорати, кўнгилни ёритувчи нурлари, руҳни озиқлантирувчи ризқ – насибаси заррача камаймайди. Эътиқод қонда, жонда, сўнгакларда, тупроқ ва ҳавода қиёмат қадар амниятдодир. Аммо «бисмилло» деганни таъқиб қилиб ҳузурланганлар бундоқ ҳақиқатни не билсинлар!

Хожа Абдурахмон бувада кўнгилларига не келса, шуни қилишди, лагерь бўлди, омбор, пиллаҳона бўлди. Зиёратгоҳнинг ҳолига қарашга, таъмирлашга биров ботинолмасдики, тобора путурдан кетди, нураб, чўкиб бораверди. Ҳатто Ҳазратнинг қабрини бузиб, гиштини алланималарга ишлатардилар, алҳазар. Ўтган асрнинг 70-йилларига келганда мақбаранинг тупроқ уюмига айланиш хавфи муқаррар эди..

Тошқўрғонда Охунжон бува Акбаров деган одам яшаб ўтди. Уруш йиллари колхозни бошқарди, қизилчадан атала ичириб, элни ўлдирмай очарчиликдан олиб чиқди. Ҳукумат иш буюрса «хўп» деди, эл чақирса, «лаббай» деб турди. У ёғини ҳам дўндирди, бу ёғини ҳам қотирди. Уқимаган, аммо уққан, феъли таърифга сиғмас, жаҳлигаю меҳрига, дағаллигию ҳалимлигига тараф йўқ,

дов, дўлвор, ҳам кўпол, ҳам хокисор бир инсон эди раҳматли Охунжон бува<sup>37</sup>.

Ана шу ажойиб ва ғаройиб бувамиз умрининг охирида Хожа Абдурахмон ҳазрат хизматида 20 йилдан кўпроқ ихлос билан турди. У кишининг энг улуғ хизмати шу бўлдики, унинг саъй-ҳаракати билан Ҳазратнинг қабри қайта тикланиб қолди. Олмоснинг, Карноннинг уламо-усталарини топди, энг ичида маслаҳат қилиб, режа пиширдилар. Улар фақат тунда, шам чироқ ёқиб иш-лашарди. Лагерь бошлиғи «қалтис» ишнинг ҳидини чиқармаслик учун устларидан қулфлаб, атрофга кўз-қулоқ бўлиб турарди. Қоронғу тунлардаги ўша пинҳоний ва бетимсол жасоратнинг улуғ мукофотини бугун эл бермоқда:

- Охунжон бувамнинг ва қабр тиклаган ўша мўсафидларнинг гўрлари нурга тўлсин!

Айтинг-чи, инсон учун бундан ортиқроқ мукофот ҳам борми?...

\*\*\*

Ва ниҳоят, 1991 йилнинг Биринчи сентябри келди. Озодлик офтоби ҳам кечмишни, ҳам келмишни мунаввар қилди. Боболар руҳи эъзозланадиган, қадриятлар қадр топадиган замон бошланди.

Энди савобталаблар Хожа Абдурахмон ибн Авф хобгоҳининг эшикларини ҳеч кўрқмай, сира ҳадиксирамай очдилар. Қабр тевараги неча ўн йиллик тупроқдан тозаланиб, чиллахона қайтадан тикланди.

Айниқса, уч-тўрт йил бурун таъмир ва ободончиликка астойдил қўл урилиб, катта ҳашар бошланди, ҳамма энг шимариб ишга киришди. Қартайган қайрағочни йиқитиб, фойдаланилди. Етилган теракларни

---

<sup>37</sup> Охунжон буванинг содда-дўлворлиги кўп хангомаларга сабаб бўлган экан. У киши раислик маҳали мажлис бўлибди. Чамаси ўша йили кўпларнинг иши чаппа кетган экан, ҳаммага «виговор» берилибди. Охунжон бувага келганда «Сизга велосипед» дейишибди. «Виговор» оларман деган умиддаги Охунжон буванинг кайфияти чатоқ бўлиб, араз қилиб дермиш:

- Менга «виговор» қани, ҳой хўжайинлар.

кесиб, кераги ишлатилди, ортиги сотилди, мақбара ва масжиднинг зарур жойлари янгиланди. Қатор-қатор, узундан-узоқ иморатлар, айвонлар, ошхоналар қад ростлади. Энди юз, икки юз зиёратчи келсинки, тарикдай буюмга зориқмайди. Шунга лойиқ рўзғор, асбоб-анжом, хизмат ташкил этиб қўйилган.

Эътиқодини топиб олган халқнинг ўша кунларда Ҳазрат Хожа учун қилган хизматларини айтаверсак, бу хайрли ва савобли ишга саъй-кўшиш қилган яхшиларнинг исм-шарифларини санаб қолгудай бўлсак, китобимиз бағоят «семириб» кетган бўлур эди...

\*\*\*

Мақбаранинг кириш эшиги жануб тарафдаки, унинг қаршисида қачонлардир яна бир эшикча бўлгани кўриниб туради. Қабр сўл томондаги супа устида, кираверишдаги унга нисбатан пастроқ зални даҳлиз дейиш мумкин. Даҳлизнинг шифти сийрак вассали бўлиб, устига бўйра ташланган.

Ўнда эса чиллахона бор, гумбазининг диаметри икки метр атрофида. Чиллахона нисбатан чуқурликда жойлашган, кўздан пана қилинган бу маконнинг одам сиққудай тирқиши бор. У чилла ўтирган тақводорлар учун кириш-чиқиш жойи вазифасини бажарса керак. Чиллахона ёнида (шимол томонида) унга ўхшаш яна бир кичик ёпиқлик жой бор, усти супа шаклида. Айтишларича, остида булоқ бор эмиш ва ундан чиллахонадаги зоҳиднинг эҳтиёжи учун сув чиққан. Бу чашма қадимий бўлиб, ўтмишдаги мироблар унинг сувини ташқарига ерости орқали чиқариб юборишган. Улар қувур қўйишганми ё бошқа бирор воситадан фойдаланишганми? Сув йўлига тошқопқоқ қилинган ва оқиб бориб кўҳна ҳовузга<sup>38</sup> қуйилган деб тахминлайдилар.

Қабр супаси ва даҳлиз бир саф устун билан ажратилган. Устунлар пойидаги гулдор-қирма

---

<sup>38</sup> Ҳовуз асли иккита бўлган экан. Ҳозир улардан биригина қолган.



панжаралар қаторида қабр тарафга ўтиш учун эшикча ҳам бор. Ичкарининг бўйи олти, эни эса беш метр келди, шифти вассажуфт қилинган. Тўсинлар икки узунасига ва бир кўндалангига (қабр устидаги) тортилган харилар устига босилган.

Том кейинги пайтда шиферланган. Аввалда лой сувоқ бўлган. Тупроғи қалинлигидан кўндаланг тортилган чорқирра хари биров букилган.

## Ихлос

Билгувчилар айтадиларки, Олмосдан Чустга йўл олган киши Тошқўрғонга икки чақиримча қолгандаёқ уловидан тушиб, Ҳазрат Хожа ва мазлума Қизлар бувига яёв ҳолда таъзим қилиб ўтган. Бугинамас, яна анча нарига бориб, Ғовасойнинг кўпригидан ўтгачина отини минган. Чуст тарафдан келаётганлар ҳам Олмосга худди шу қабилда равона бўлишган. Бу даргоҳдаги икки азизнинг иззат-мартабалари ана шундоқ баланд.

Шу жойларда Аллоҳга ёлвориб, фарзанд кўрган келинлар, дуо олиб, бахти очилган қизлар, ихлос қилиб, шифо топган беморлар, файзу фазилат, мартаба соҳибига айланган яхшиларнинг адади Худодан ўзгага маълуммас.

Олмос деҳқонининг нечоғли миришкор эканини Наманганда эмас, водийда, бутун Ўзбекистонда биладилар. Уларнинг хоҳи катта, хоҳи кичиги қаерга борса, албатта, ернинг тилини топади, кўнглидаги ҳосилни олмай қўймайди. Ана иннайкейин қачон кўрсангиз, киссасида тилло танга, белида отнинг калласидай қарсиллама пул. Меҳмони бўлиб қолсангиз, биласизки, қозонида қўй гўштию думба-жигар қайнайди, тўй бошлаганда ҳофизининг авжи ҳам, иморат солганида хўрозкарнайли томи ҳам элникидан баланд бўладики, паст бўлмайди. Нега шундай?

- Нени берса - Аллоҳ беради, нияти ва меҳнатига ярашур беради, - деб тушунтирган бўлишди Тошқўрғонда. - Аммо дуодаям гап бор, ҳикмат бор.

Олмосликларнинг оёғи Хожа Абдурахмон бувамдан узилмайдики, сирнинг биттаси шунда. Олмослик деҳқонлар йилда икки бор келиб, азизларимизни зиёрат қиладилар. Аввали кўкламнинг бошида Худодан кут-барака, ривож ва кушойиш тилаб кетадилар, кейинги гал куз оёқлаганда, хирмонни катта кутариб, шукронасига келишади. Худо ёрлақан Хожа Абдурахмон ибн Авф бувамнинг шарофатлари билан дуолар ижобат бўладиган кутлуғ жойга ихлос қилган олмосликларнинг иши ривож топмай кимники топсин?

Дейдиларки, Ҳазрат Хожани йўқлаб келган киши ярим ҳаж, умранинг савобига эга бўлади. Шундан бўлса керакки, ҳаж сафарига жўнашдан олдин бу ерни зиёрат қиладиган ҳожилар сони тобора ортиб бормоқда.

Жума кунлари мақбара теварагини етти марта ихлос билан супурмоқнинг хосияти катта, дейишди. Уйда покланиб, икки ракаат намоз ўқигач, ана шу хайрли юмушни адо этган кишининг талаб-мақсуди ҳосил бўлар эмиш...

Тошқўрғонда бу каби яхши гаплар, уларнинг далил-исботи ҳам шунчалар серобки, айтаверадилар, тамом бўлмайди.

## Ҳайрат

### 1.

Даҳрийлик деган бало хуружга келган кунларда бир амалдор чиқибди. Унга «масъулиятли» партиявий топшириқ берилибди, яъни Хожа Абдурахмон ибн Авф қабрини бузишга раҳбарлик қилиб, шахсан ибрат йўсинида ўзи кетмон уриб бериши лозим.

Шу даргоҳ хизматида турган Маъмур эшон отлик оқсоқ киши азбаройи амалдорни фалокатдан сақлаш ниятида:

- Шу ишни кўя қолинг, жон болам, -дебди.

- Зинҳор! - дея оёғини тирабди кетмонни шайлаган атеист-амалдор. - Қочинг, янгилик йўлига ғов бўлманг...

Кейин нима бўлди, дерсиз. Нима бўларди - Худонинг айтгани бўлган-да. У биринчи кетмон урган-даёқ ўзидан кетган. Бечоранинг дарди кун-бакун ортиб, қаттиқ азобларга қолди, дейишади. Ўша атеистнинг Комилбой деган мўйсафид отаси бор экан. Ўгли шўрликнинг аҳволдан дарду дунёси қоронғи бўлган қария уни етаклаб Ҳазрат.Хожага келади.

Катта бир кўчқорни сўйиб, қозонга солинди, еб-ичиб бўлингач, жамоат атеистга Аллоҳдан шифо тилаб дуо қилди.

Даҳрий амалдор тилдан қолган бўлиб, бечора чол унинг гуноҳлари учун истиффор айтади, эл дуо қилаётганда хўнг-хўнг йиғлаб, бошини эгиб туради...

## 2.

Уруш пайти экан, айвон ичкарасида қурт боқмоқчи бўлишибди. Бузилган қабрнинг гиштидан печка қуриб, бўлғуси қуртхонани уч кунгача обдон қиздирдилар. Сўкичаклар ҳам қилинади, ҳамма нарса тахт, эрталаб уруғ келтирилса кифоя...



Ярим тун. Парпивоё Ҳасанов деган киши, иттифоқо, кўчага чиқиб қолади. Қарасаки, зиёратгоҳ тарафда аланга осмонга чиқиб ётибди. У элни уйғотади, етти ёшдан

етмиш ёшгача-ҳамма челак ушлайди. Чуст шаҳридан қўл насосини<sup>39</sup> аравага юклаган ўт учирувчилар ҳам етиб келадилар.

Бироқ ёнғин эплаб бўлмайдиган даражаларга етганидан ҳадеганда жиловлаб бўлмайди. Анчагина жойни ямлаворган аланганинг қип-қизил тили ҳали замон мақбара тарафга ҳамла қилиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Қабрнинг ғамида адо бўлган одамларнинг кўксидан фарёд отилади:

- Ё Ҳазрат Хожа Абдурахмон бувам!

- Ё мазлума Қизлар буви.

- Ё Аллоҳ, ўзинг паноҳ бер.

Тизгинсиз олов мақбарага ўтмайди...

### 3.

Зиёратгоҳ атрофида 80-90 йил ичида бир неча бор сирли гумбурлаш садосини эшитишган. Овоз ер остидан келиб, худди тўп отганга ўхшайди, дейдилар.

Ўтган асрнинг 20-йиллари экан. Гумбур-гумбурдан Чуст шаҳридагилар ташвишга тушиб қоладилар. Негаки, Тошкўрғон томонда замбарак отилаверади. Ўша тарафдан душман келади деб таҳликада турадилар, аммо душман келмайди.

### 4.

Кайфи ошган бировнинг «шерлиги» тутди:

- Ҳозир қабристон ёнидан утаман,- алжирайди у. – Кўзимга у-бу кўринсин, шартта курашга тушиб...

У гандираклаб қабристонга яқинлашгандики, ортидан бир зот келиб елкасига кафтини қўйди:

- Қани, курашга тушамизми? Мана мен тайёр,- дейди.

Бадмаст «шер» тилдан қолди, дейдилар.

---

<sup>39</sup> У пайтда ўт учириш машинаси йўқ экан.

# Илон

Афандидан сўрабдилар:

- Мучалингиз нима, а, тақсир?

- Аждаҳо!- дермиш Афанди бақрайиб.

- Ёпирай, Мулла Насриддин! - савол бергувчининг кўзлари чақчайибди. - Боланинг илон йилида туғилгани хусусида биламан, аммо аждаҳо дейишингиз...

- Туғри, биродар, - дебди Афанди пинагини бузмай.

- Мениям мучалим илон эди. Шу топда ёшим фалонга етдики, мунча замонда аждарга айланиб бўлгандир-да ахир...

Илон ҳақида не гаплар айтилмаган дейсиз. Оқ илонлар, қора, кук, чипор илонлар. Зарарли ва зарарсиз илонлар, захарли ва захарсиз илонлар, сирли, хосиятли ёки шифобахш илонлар. Афанди айтганидай аждаҳо мақомига етган, отни, хўкизни, одамни ютворган илонлар...

Буларнинг қай бири бор гапу қай бири йўқ гап? Бу саволнинг жавобидан қатъи назар кўлга ўрганган илонларни, раққос илонларни ойнайи жаҳонда кўрсатиб туришади. Дунёнинг қай бурчида, Амазонками, жунглими деган томонларда бемалол судралиб юрган 20-25 метрликлари бор эмиш бу маҳлуқнинг.

Ҳай, улар олисда, энди яқинроқ гапдан келайлик-чи. Исталган туманга бориб, сўраб-суриштиринг, даҳшатли илоннинг ўша ерларда чиндан ҳам мавжудлиги ҳақида ҳикоя қилиб беришади. Косонсойдаги қадимий Муғ қалъаси вайроналарида, Садпир мазорида, Юмалоқшайх томонда, Чортоқнинг Қуйи Қорабоғ, Оқтикан, Саид Қамбар мавзеларида, Мингбулоқнинг чўлга туташ 2-3 ерида, Сирдарё соҳилининг айрим жойларида, Қамчиқ довони ҳудудида...


Кўрганлар, эшитганлар шундоқ таърифини келтирадиларки, у маҳлуқни кўрмоқнинг ўзи даҳшат. Юрагингиз ёрилаёзганда тасалли берадилар:

- Аммо улар ваҳимали бўлгани билан мутлақо безарар. Иннакейин, аслида у илон ҳам эмас-да. Кўзга шундай кўринади холос, бу бир сир, тилсим.

Эҳтимол шундайдир.

Ана энди Тошқўрғонга келамиз. Ривоятдан маълумки, Хожа Абдурахмон ибн Авф Чоҳи морда (илон ўрдасида) ғойиб бўлганди. У кишининг ғайбатдан кейинги саргузашти ҳам илон билан боғлиқ ва охири илоннинг қуйруғида ёруғ дунёга чиққани ривоят қилинади.

Ўша Чоҳи мор ҳозир ҳам бор эмасмикан? Улкан илонлар узоқ яшармишқи, ривоятдаги илонлар ҳам балки ҳалигача мавжуддир?...



Билиб турибман, бу саволлар жуда ҳам мантиқли чиққани йўқ. Аммо барибир билиш истаги бор экан, мантиқ талабидан қатъи назар савол туғилаверади. Барибир одам қизиқиб кўради-да.

Қай бир йили зиёратгоҳ атрофидан чуқур кавлашган экан. Бир нечта илон чиқибди. Кавлаган сари илоннинг адади кўпайиб борармиш. Ахийри чуқур кўмиб ташлаибди.

Бу ер лагерь бўлган йилларидаги воқеани эшитдим. Оппоқ илон бир қизнинг оёғига бўштобгина ўралиб олиб, чакмасмиш, кетмасмиш. Ўтақаси ёрилган қизчанинг ҳоли айтуликмас..

Шунда раҳматли Охунжон бува дуо ўқиб:

- Уйингга борақол энди,- дейди.

Илон оҳиста сидирилиб тушади ва бир четга судралиб кетади.

Яна бир ҳодиса шуки, зиёратчилар яқинига келиб олган илон кетмай тураверади. Кўпчилик безовта бўлади. Шунда бир киши (Шарифжон деганнинг отаси, дейишади) чопонининг ўнгарини ерга ёзиб:

- Эй жонивор, булар сени йўқлаб келишган, ниятлари яхши. Сен ташвиш қилмагин, мен уйингга обориб кўяман,- дейди.

Ҳалиги илон чопонга чиқармиш...

Яна айтадиларки, Хожа Абдурахмон ибн Авф қадамжосида азизлар руҳи инсон кўзига илон қиёфасида кўринармиш. Қачон, кимга, қай ҳолда кўриниш бергани тўғрисида кўп ҳикоялар эшитдимки, уларни келтирмай сўзни мухтасар қилдим.

## Тошқўрғоннинг тошлари

Азизлар тил остига қиррали кескир тош солиб юрарканларки, тилим беҳуда айланиб, оғзимдан бежо сўз чиқмасин деб. Тошқўрғонда эса тош сероб. Тиғли тошни чайнаб, тилини тийган камсухан, аммо озгина айтган сўзи ҳам тиллоларга ўлчаб олинадиган ўшандай улуғлар бу кишлоқда ҳам ўтгандирлар. Ҳазрат Хожа билан Қизлар бувининг Тошқўрғонда ғойиб бўлганлари ва ҳамиша ҳозир эканларини бу гапга далолат дегим келади.

Муаррихлар бир тахминда ёзибдиларки, қадимда Чуст шаҳрининг ҳимоя истехкоми шу атрофда бўлиб, деворлари тошдан экан. Қабристон яқини ковланганда тўртта ертўла топилган, девори тошдан кўтарилган. Бу ўша истехком қолдиғи ё Хожа Абдулқосим давридаги

яшаш жойи эмасмикан?... Бу каби топилмалардан мантиқли маъно чиқарилса, қишлоқнинг Тошқўрғон номланиши сабабини ортиқ изоҳлашга ҳожат ҳам йўқдай.

Зиёратгоҳда учта ҳарсанг тош турибди. Иккиси мақбара ичида, биттаси ташқарида – кириш эшиги ёнида. Гапни ташқаридаги тошдан бошлай қоламиз. У, шакл–шамойилига қараганда, ўғир экани кўриниб турибди, ҳампасига чорак пудча<sup>40</sup> дон жо бўлади.



Ичкаридаги тошлардан каттасининг бўйи тўрт қаричга боради, эни икки ярим қаричдан кам эмас. Унинг юза қисми ёй ҳолида кемтилган, кемтиги ниҳоятда силлиқ. Тахмин қилиш мумкинки, бу тош қачонлардир ёрғучоқ - қўл тегирмони вазифасини бажарган.

Учинчи тошнинг ранги қора, шакли тухумга қисман ўхшайди. Узунасига бир сидра ўйма хат битилган. Ёзув қатори энсизлигидан ҳарфларни фарқлаш анчагина қийин, лекин айти арабий алифбода эканлигини билиб олиш мумкин. Тош катта эмас, ўртача тарвуздай келади. Бироқ ҳажмига нисбатан фавқулудда даражада оғир. Кўтариб кўрган кишида аллақандай сирли таассурот қолдиради...

---

<sup>40</sup> Пуд – 16 килограммга баробар оғирлик ўлчови.



## Сўнги сўз ўрнида

Қоғозга битилганлар муаллиф Тошқўрғон аҳлидан сўраб олган нозик бир омонат эди. Омонатки, уларни тартибга солиб, камгина оҳор ва пардоз бериш шарти билан олинган. Негаки, Хожа Абдурахмон ибн Авф воқеоти авлоддан-авлодга, асрдан-асрга, оғиздан-оғизга кўчиб, жиндай пароканда, биров қисқарган ва ё аксинча чўзилган, андаккина чигалроқ. Бу вазифанинг ижроси камина учун фавқуллодда осон ва дилхоҳ кечди. Аниқ эдики, Хожа Абдурахмон буванинг руҳлари кўмакка келдилар, у кишининг тарихига дахли бўлмиш кўп-кўп китоблар ўз-ўзидан топила қолди. Ва фақат шу сабаблигина оғир юқдан, катта қарздан осонгина қутулмоқ имконига муяссар бўлдим. Эндиликда камина ба ҳоли қудрат қайтараётган бадалдан ўша улўф омонатнинг соҳиблари рози бўлсалар эди...

Ватан - остонадан, имон - кўнгилдан бошланади. Ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссаломдан қолган сўз бор: "Ватанни севмоқ иймондандир".

Аёнки, севмоқ ҳам кўнгилдан бошланади. Зеро, бу шунга далилдирки, имон ва севги айри-айри тушунчалар эмас.

Қолаверса, ёруғ жаҳонга қанчаики азизлар, алломалар келиб кетган бўлсалар, ҳаммалари имонда барқарор, Ватанни севмоқда беназир эдилар. Яна шундоқ бир бахтимиз борки, ўша буюк аждодларнинг имони мисоли покиза ва абадий безавол руҳлари бошимизда ҳамиша бедор. Алалхусус, бу кўнги

руҳпарвар замонда уларнинг беором кезишлари авлодларни ғафлат тўшагида бемаврид мизғишдан асраб, дунёдан, ҳаётдан, яхши ва ёмондан огоҳ этмоқдалар, нурга, қуёшга чорлаб турибдилар.

Чустнинг замини бағрига олган Хожа Абдурахмон ибн Авф номли шариф зот ҳам ўшандоқ оталаримиздан, Қизлар буви эса Тўмарис, Бибиона каби мард ва жасур момоларимиздан. Улар хусусида ривоят қилинган мунгли қиссанинг сабоғи бутун бир мактабдирки, ҳали яна кўп авлодлар бу дарслардан баҳра олишади. Бу қисса диёнатга, мардлик ва матонатга, имон ва эътиқодга, эзгуликка, меҳр-шафқатга, садоқатга даъват қилмоқда.

Булар кўнгилини оролантирувчи гўзал фазилатлардир. Зоҳирга эмас, ботинга-кўнгилга пардоз беришни фарз деб била олсак ва унга амал қилсак кошкийди. Аслида бунинг асло мушкуллиги йўқ: кишида имон ва эътиқод, поклик ва яхши ният, ўқиш ва уқиш, илм ва амал деган фазилатлар бўлса кифоя. Бу фозиллик ва комиллик йўлидир.

Ана шу шарофатли йўлда Ватанга, ватандошларга, ҳар бир яхши одамга Хожа Абдурахмон ибн Авф каби боболаримизнинг руҳи поклари ёр бўлгай, иншооллоҳ.

*2005 йил, июнь-июль.*

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан.....3

### *Биринчи бўлим*

**Ибтидо**.....4

Ҳазрат Хожа .....7

Қизлар буви.....12

Чоҳи мор.....17

Хожа Абдулқосим.....18

Ривоятлар.....23

«Самария»ни ўқиб.....25

### *Иккинчи бўлим*

**Видо манзили**.....29

Ғойиб бўлган рисола.....32

Каромат.....35

Чилонзор.....38

Ортиғмат.....39

Сунбул ифори.....39

Шавлабулоқ.....41

Эъзоз.....43

Ихлос.....48

Ҳайрат.....49

Илон.....52

Тошқўрғоннинг тошлари.....54

Сўнги сўз ўрнида.....56

*Рустамжон Умматов*

## **ВИДО МАНЗИЛИ**

(Эссе)

Муҳаррир:	М. Худоёров
Мусаввир:	С. Аҳмадвалиев
Техник муҳаррир:	М. Мирзакаримова
Мусаҳҳиҳ:	Н. Тожимагова
Компьютер оператори:	Ҳ. Парпиев

*Муаллиф ушбу тарихни ёзишга ундаган, китобнинг дунё юзини куришида ҳар тарафлама кўмаклашиб турган тошқўрсонлик маърифатпарвар зиёли Зокиржон Ҳусановга миннатдорчилик билдиради.*

2005 йил 20 июлда теришга берилди, 2005 йил 29 июлда босишга рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1,8 шартли б.т.. Буюртма 1324. Адади 1050 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» OAJ  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71.



**Рустамжон Умматов** 1952 йилда Чортоқ шаҳрида туғилган. Унинг **“Чароғбон”**, **“Зулматда сўнган зиёлар”** каби насрий китоблари, **“Кўнгил гавҳари”** номли шеърий тўплами чоп этилган. Р.Умматов айти пайтда Республика **“Қишлоқ ҳаёти”** газетасининг **Фарғона водийси бўйича мухбири** ва **“Наманган ҳақиқати”**нинг **махсус мухбири** сифатида қизғин журналистик фаолият билан машғул.

